

# 21 ОКТАБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КҮН

Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№19-20  
(1506)  
2024-YIL  
19-OKTABR

## O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА



IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA ♦ 1995-YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

### Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ҲАМДА ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ, УЛАР АНАЛОГЛАРИНИНГ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИНИНГ, ШУНИНГДЕК КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 23 апрелда қабул  
қилинган Сенат томонидан 2024 йил 21 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда гиёхвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларининг, шунингдек кучли таъсир қилувчи моддаларининг қонунга хилоф муомаласига қарши курашиш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда ҳамда телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали гиёхвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларининг қонунга хилоф муомаласи ортиб бораётганлиги муносабати билан ушбу ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Шу билан бирга гиёхвандлик

воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, шунингдек кучли таъсир қилувчи моддаларни қонунга хилоф равишда тарғиб қилувчи материалларни тарқатганлик ёки реклама қилганлик учун одиллик принципига мувофиқ жазо чораларини қўллаш мақсадида мазкур турдаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни кучайтириш зарурияти юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогла-

рини ёки психотроп моддаларни телекоммуникация тармоқлардан ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда муомалага киритганлик, ушбу жиноятларни вояга етмаганларни жалб қилган ҳолда содир этганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилмоқда, шунингдек гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёки жўнатганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Ушбу Қонун гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни, шунингдек кучли таъсир қилувчи ва заҳарли моддаларни тарғиб ёки реклама қилишнинг ҳамда уларнинг қонунга хилоф муомаласининг олдини олишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996

йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4,

Давоми 2 – бетда▶

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА ТОНФАДАГИ КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАР МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

Сўнги йилларда кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Шу билан бирга, алоҳида тонфадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни тиббиёт амалиётида қўллаш, сақлаш, уларнинг ноқонуний муомаласини чеклаш, жисмоний шахслар томонидан улардан фойдаланиш ҳамда уларни йўқ қилиш тартибларини белгилаш зарурати мавжуд. Алоҳида тонфадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни тиббиёт амалиётида қўллаш ва уларнинг муомаласини тартибга солиш, шунингдек, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит ўтказишда назоратни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикасида алоҳида тонфадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат рўйхатидан ўтказилган ва тиббиётда қўллашга рухсат этилган алоҳида тонфадаги кучли таъсир қилувчи моддалар мазкур қарор кучга киргунга қадар улгуржи реализацияси билан

шугулланувчи ташкилотларга гиёхвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддаларни сақлаш ва сотиш фаолияти учун лицензия расмийлаштирилмасдан реализация қилишга ҳамда гиёхвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддаларни йўқ қилиш фаолияти учун лицензияга эга юридик шахсларга далолатнома асосида ўтказилишига ва йўқ қилинишига рухсат этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси бир ой муддатда чегара ўтказиш пунктлари ва божхона постларида алоҳида тонфадаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхати ва ушбу моддаларни декларациялаш мажбурияти тўғрисида

тегишли маълумотларни жойлаштириш чораларини кўрсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги манфатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий

ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.6. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга қиради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири в.б. А.А. Худаяров ва ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

Тошкент ш.,  
2024 йил 4 октябрь, 632-сон

А. АРИПОВ

Давоми 4 – бетда▶

Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING JINOT, JINOT-PROЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ҲАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА  
ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ, УЛАР АНАЛОГЛАРИНИНГ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИНИНГ,  
ШУНИНГДЕК КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИГА  
ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

◀Давоми. Боши 2 –бетда

158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 2511-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2511-модда. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш

Гиёхвандлик воситалари,

уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар мактабгача таълим ташкилотлари, ўқув юртлари ҳудудида ва талабаларнинг (ўқувчиларнинг) ётоқхоналарида, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёхуд заҳарли моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, қайта ишлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ёхуд уларни ўтказиш мақсадида тайёрлаш ёхуд қайта ишлаш учун асбоб-ускуналарни тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ёки ўтказиш, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар такроран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ томонидан ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, —

етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, олиш, сақлаш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш ёхуд жўнатиш қоидаларини бузиш, агар бу эҳтиётсизлик орқасида уларнинг ўғирланишига ёки бошқа тарзда жиддий зарар етказилишига олиб келган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) қуйидаги мазмундаги 2512-модда билан тўлдирилсин:

«2512-модда. Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

Гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Агар ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёхвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни топширса, жазодан озод қилинади»;

3) 273-модданинг учинчи қисми:

«г» банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«г» ўқув юртларида ёки ўқувчилар, талабалар томонидан ўқув, спорт ва жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда»;

қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д» телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса»;

4) 274-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«274-модда. Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш

Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

риш оромгоҳларида ёки талабалар (ўқувчилар) томонидан ўқув, спорт ёки жамоат тадбирларини ўтказиш учун фойдаланиладиган бошқа жойларда, шунингдек уларга туташ ҳудудларда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Гиёхвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини, психотроп ёки шахснинг ақл-дрокига таъсир этувчи бошқа моддаларни ҳар қандай шаклда истеъмол қилишга жалб этиш,

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) илгари гиёхвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан;

б) озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойларида;

в) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 11, 23-моддалар, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда;

▶ Давоми. Боши 3 –бетда▶



Ўзбекистон Республикасининг  
ҚОНУНИ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСЛАРИГА ҲАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИГА  
ГИЁҲВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ, УЛАР АНАЛОГЛАРИНИНГ ЁКИ ПСИХОТРОП МОДДАЛАРИНИНГ,  
ШУНИНГДЕК КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ВА ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАРИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ МУОМАЛАСИГА  
ҚАРШИ КУРАШИШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА**

◀Давоми. Боши 1 ва 2 –бетларда

2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар, № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 973-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 216-модда, № 4, 337-модда, № 6, 575-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185-моддалар, № 4, 265, 269-моддалар, № 5, 319-модда, № 9, 713-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 115-модда) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 345-модданинг бешинчи қисмидаги:

«251 — 2551-моддаларида» деган сўзлар «251-моддасида, 2511-моддаси учинчи — олтинчи қисмида, 252 — 2551-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«274-моддаси иккинчи қисмида» деган сўзлар «274-моддаси тўртинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 3812-модда биринчи қисмининг 1-бандидаги:

«2481-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «2481-моддаси биринчи қисмида, 2511-моддаси биринчи ва иккинчи қисмида, 2512-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«274-моддаси биринчи қисмида» деган сўзлар «274-моддаси биринчи, иккинчи ва учинчи қисмида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХП-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2,

365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар, № 11, 1066-модда; 2022 йил, № 1, 1, 2-моддалар, № 2, 80, 81-моддалар, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 465, 466, 467-моддалар, № 8, 787-модда, № 10, 981, 984-моддалар, № 12, 1188-модда; 2023 йил, № 3, 184, 185, 188, 189-моддалар, № 4, 265, 266, 268-моддалар, № 5, 319, 320-моддалар, № 7, 533, 534, 535, 537, 539-моддалар, № 8, 634-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921, 923, 924-моддалар, № 12, 1004-модда; 2024 йил, № 1, 5, 7, 8, 9-моддалар, № 2, 102, 111, 115, 116-моддалар, № 3, 243, 246-моддалар) куйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) куйидаги мазмундаги 562, 563 ва 564-моддалар билан тўлдирилсин:

«562-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмай-

диган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, —

хукукбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд хукукбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади.

563-модда. Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш

Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади.

Агар ушбу моддада назарда тутилган ҳаракатларни содир этган шахс ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида ҳокимият органларига арз қилса ва гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки

психотроп моддалар ҳисобланмайдиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни топширса, жавобгарликдан озод қилинади.

564-модда. Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш

Гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш мақсадида тайёрлаш, худди шунингдек уларни тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намоиш этиш, —

хукукбузарлик ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд хукукбузарлик ашёларини мусодара қилиб, ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамокка олишга сабаб бўлади;»

2) 245-модданинг биринчи қисми «56» рақамидан кейин «562, 563, 564» рақамлари билан тўлдирилсин;

3) 248-модда тўртинчи қисмининг учинчи хатбошиси «476» рақамидан кейин «562, 563, 564» рақамлари билан тўлдирилсин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда ҳоҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукукий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2024 йил 5 октябрь, ЎРҚ-971-сон



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ КУЧЛИ ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАР МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

## «Давоми. Боши 1 –бетда»

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиш, жўнатиш, ҳисобга олиш, бериш, ташиш, сақлаш, сотиш, тақсимлаш, йўқ қилиш, Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан транзит ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом талаблари алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалардан тиббий ва илмий тадқиқот мақсадида фойдаланувчи, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддалар муомаласида бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга юридик шахслар, шунингдек, ўз эҳтиёжлари учун фойдаланувчи жисмоний шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар** – нотиббий мақсадда фойдаланиш ёки дозаларнинг оширилиши натижасида инсон саломатлиги ва руҳиятига фаол таъсир кўрсатувчи, кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатида «\*» билан белгиланган моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситалари;

**дори воситалари учун аниқланган эҳтиёж** – даволаш-профилактика муассасаларининг доимий фаолият кўрсатадиган хайбати томонидан беморлар учун зарур бўлган дори воситалари ёки тиббий буюмларнинг беморлар сони, касалланиш даражаси, даволаш курслари ва бошқа мезонларни инобатга олган ҳолда аниқланган миқдори;

**кучли таъсир қилувчи моддалар** – гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган, нотўғри қўлланилиши оқибатида инсон ҳаёти ва соғлиғига хавфли таъсир кўрсатадиган, келиб чиқиши табиий ёки синтетик бўлган моддалар;

**миқдорий-буюм ҳисоби** – тиббий мақсадларда фойдаланиш учун дори воситаларининг муомаласи билан боғлиқ жараёнларни қайд этиш учун махсус китобларда дори воситаларининг миқдори ва (ёки) ҳолати ўзгариб турадиган муомаласи билан боғлиқ ҳар қандай жараёнларни кўрсатиши.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш соҳасидаги ваколатли орган ҳисобланади.

5. Тиббий мақсадда фойдаланиладиган янги турдаги алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ўтказилади.

**2-боб. Жисмоний шахслар томонидан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни республикага олиб кириш ёки олиб чиқиш**

6. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни куйидаги ҳолларда Ўзбекистон Республикасида давлат рўйхатидан ўтказмасдан олиб кириш ва олиб чиқишга рухсат берилади:

мамлакатда бўлиш даврида, икки ҳафтalik эҳтиёждан ортиқ бўлмаган миқдорда жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, хусусан, бемор яшаган мамлакат-

даги тиббиёт муассасасининг шифокори томонидан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига кирувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларининг тури, буюрилган қабул қилиш ва давомийлик муддати кўрсатилган ҳужжати (шифокор ҳулосаси) ёки рецепт нусхаси мавжуд бўлса;

республика ҳудудида ва унинг ҳудудидан ташқарида яшаб турган беморни даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида даволаш курси доирасида даволаш учун мўлжалланган бўлса;

дипломатик ваколатхоналарнинг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан, улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса;

республика ҳудудига кириб кетаётган ёки унинг ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситасининг йўловчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ва тиббий дорилар қутчаси таркибига киритилган бўлса;

Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида ўтказиладиган халқаро илмий, маданий, спорт тадбирлари иштирокчиларини ҳамда халқаро экспедициялар иштирокчиларини даволаш учун мўлжалланган бўлса.

7. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни почта ва курьерлик жўнатмаларида, шу жумладан, халқаро почта жўнатмаларидан жўнатиш тақиқланади, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни икки ҳафтalik эҳтиёждан ортиқ бўлмаган миқдорда олиб кириш ва олиб чиқишда жисмоний шахслар томонидан божхона органларига бўлиш ёки яшаш мамлакатининг тиббиёт муассасасидан унинг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган дори воситасининг номи, унинг доривор шаклини ва даволаш курсига тавсия қилинган миқдорини кўрсатган ҳолда, муайян жисмоний шахсга берилган ҳужжат тақдим этилади.

9. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни икки ҳафтalik эҳтиёждан ортиқ бўлмаган миқдорда олиб чиқишга тиббиёт муассасасининг даволаш-маслаҳат комиссиясининг муҳри билан тасдиқланган ҳулосаси мавжуд бўлганда рухсат берилади.

10. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни икки ҳафтalik эҳтиёждан ортиқ бўлмаган миқдорда олиб киришга яшаш ёки бўлиш мамлакатининг тиббиёт муассасаси томонидан берилган, даволаш курсининг тавсия этиладиган сони кўрсатилган ҳужжатлар мавжуд бўлганда рухсат берилади.

11. Жисмоний шахслар томонидан божхона чегараси орқали Ўзбекистон Республикасига олиб киришда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар йўловчи божхона декларациясида қайд этилиши лозим.

12. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари тиббиёт муассасаси томонидан берилган ҳужжатлар мавжудлигини ва уларда кўрсатилган маълумотларнинг жисмоний шахсдаги алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг номи, унинг мувофиқлигини белги-ланган тартибда назорат қилади.

13. Жисмоний шахсларга тиббиёт муассасаси томонидан берилган ҳужжатда ва декларацияда кўрсатилган алоҳида то-

ифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг номи ва миқдоридан ортигини олиб ўтиш тақиқланади.

14. Жисмоний шахс алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни шахсий фойдаланиш учун олиб кириш ва олиб чиқишда тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги учун жавоб беради.

**3-боб. Юридик шахслар томонидан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни республикага олиб кириш ёки олиб чиқиш ва ташиш**

15. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш психотроп моддаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартиби асосида амалга оширилади.

16. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни республика ҳудудига олиб кириш ва республика ҳудудидан олиб чиқишда мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ сертификат, республика ҳудудидан транзит тарзида ўтказишда 3-иловада кўрсатилган шаклда рухсатнома расмийлаштирилади.

17. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ташиш юридик шахслар томонидан авто, темир йўл ва ҳаво транспортида амалга оширилади.

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар авто, темир йўл ва ҳаво транспортининг юк бўлинмаларида (қўл юки сифатида эмас) масъул шахс назорати ва кузатуви остида ташилади.

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни кўп миқдорда ташиш белгиланган масъул ходимлар назорати ва кузатуви ҳамда қўриқлаш бўлинмалари қўриқлови остида амалга оширилади. Бунда ташиш жараёнини ташкил этиш юк жўнатуви ёки юк олувчи томонидан таъминланади.

**4-боб. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни тайинлаш ва тайинланганлигини қайд этиш**

18. Даволаш-профилактика муассасаларида беморларга алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари асосида бир марталик, кунлик ва курс дозаларини аниқлаш орқали касалликнинг тури, оғирлиги ва хусусиятига ҳамда беморнинг ёши ва дори воситаларини тиббиётда қўлланишига доир йўриқномада кўрсатилган дориларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олинган ҳолда даволовчи шифокор томонидан тайинланади ва беморнинг тиббий ҳужжатлари, яъни касаллик тарихи, амбулатор картасида қайд этилади.

19. Даволаш-профилактика муассасаларининг даволовчи шифокори рецептда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг халқаро патентланмаган номи, таркиби, шакли, уни тайёрлаш ва бериш ҳақидаги ёзма кўрсатмаси лотин тилида кўрсатади, шунингдек, тайинлашда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар учун рецепт психотроп моддалар олиш учун рецепт бланкасида расмийлаштиради.

Қўшимча равишда рецептга даволаш-профилактика муассасаси раҳбари буйруғи билан ваколатланган, рецепт ёзган шифокорнинг имзоси қўйилади ва даволаш-профилактика муассасаси муҳри билан тасдиқланади.

20. Амбулатория шароитида даволанишни давом эттириш зарур бўлган ҳолларда, даволаш-профилактика муассасаси томонидан беморга унинг тиббий ҳужжатларидан олинган кўчирмаси асосида даволовчи шифокор тавсия қилган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларга бир ойлик эҳтиёж миқдоридан рецепт ёзиб берилади.

21. Дорихоналардан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар рецепт асосида берилади ва рецепт дорихонада бир йил давомида сақланади.

22. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларга рецепт берилганда, рецептнинг орқа қисмида дори воситасининг миқдори ва берилган санаси кўрсатилади, рецептнинг йиртма қорешоғида эса ушбу дори воситаларининг номи, серия рақамини кўрсатган ҳолда дорихонанинг штампи қўйилади ва бу ҳақда дорихонада рецептларни қайд этиш китобига қайд қилинади.

**5-боб. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларга эҳтиёжни аниқлаш ва уларнинг ҳисоботини олиб бориш**

23. Республиканинг барча хусусий ва давлат даволаш-профилактика муассасалари соғлиқни сақлаш ҳудудий органлари орқали, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати тизимидаги ташкилотлар ва илмий-тадқиқот институтлари ҳар йили тиббиёт мақсадларида фойдаланиладиган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларга кейинги йилга бўлган эҳтиёжни ҳисоблаб чиқадилар ҳамда ўз буюртманомаларини йиғма эҳтиёжни шакллантириш учун ҳисобот йилининг 1 июнига қадар ваколатли органга тақдим этади.

24. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар миқдорий-буюм жиҳатдан ҳисобга олинади ва ҳисоби рақамланган, ип ўтказиб тикилган, ташкилот ёки корхона раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган, мазкур Низомга 4-иловага мувофиқ дорихоналарда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ҳисобга олиш китобида (кейинги ўринларда – ҳисобга олиш китоби) юритилади.

Ҳар бир алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи модда ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларининг дори шакли, дозаси учун алоҳида саҳифа очилади.

25. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиш, жўнатиш, сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш психотроп моддаларни олиш, жўнатиш, сақлаш, бериш, сотиш, тақсимлаш, ҳисобга олиш тартиби бўйича амалга оширилади.

26. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар даволаш-профилактика муассасаларининг дорихонасидан бўлимларга (хоналарга) алоҳида талабно-маларда ёзилган ва бўлим бошлиги томонидан имзоланган ҳолда мазкур Низомга 5-иловага мувофиқ берилади. Талабнома 2 нусхада ёзилади ва уларда бўлим ёки хонанинг номи, алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг дори шакли, ўлчов бирлиги, талаб қилинаётган миқдори кўрсатилади.

27. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни ҳисобга олиш китобини юритиш ва сақлашга масъул ходим

«Давоми. Боши 1 ва 4 –бетларда»

юрідик шахс рахбари томонидан тайинланади.

28. Даволаш-профилактика муассасаларининг бўлимларида (хоналарида) ва навбатчи тиббиёт ходимларида сақланган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ҳисобини юритиш белгиланган шакл бўйича рақамланган, ип ўтказиб тикилган, даволаш муассасаси раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган, мазкур Низомга 6 ва 7-иловаларга мувофиқ махсус китобларда қайд этиб борилади.

29. Даволаш-профилактика муассасасининг дорихонасидаги алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар захираси уч ойлик эҳтиёждан ошмаслиги керак.

30. Даволаш-профилактика муассасаси раҳбарининг буйруғи билан белгиланган бўлимлардаги (хоналардаги) алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар захираси ўн тўрт кунлик эҳтиёждан ошмаслиги керак.

31. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ҳар ойнинг 3-санасигача китобий қолдиқ билан ҳақиқий (амалдаги) қолдиқни солиштириш ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ хатловдан ўтказилади.

32. Ўтказилган хатлов натижасида аввалги хатлов рўйхатидаги маълумотларга тўғри келмаган ёки фарқ қилган ҳолатлар аниқланганда, мазкур ҳолат юзасидан дарҳол сақлаш учун жавобгар шахс ташкилот раҳбарини, у эса бу ҳақида уч иш

кунда ички ишлар органига хабар бериши лозим.

33. Ҳисобга олиш китоби қулфланган темир жавонда сақланади, жавон калити ҳисобот китобини юритувчи ва сақловчи масъул шахсда туради.

34. Тўлдирилган ҳисобга олиш китоби белгиланган тартибда сақланади.

35. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятни амалга оширишда юридик шахслар ўз фаолияти тўғрисида (ишлаб чиқарилган, тайёрланган, олиб келинган (олиб кетилган), сотилган, фойдаланилган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар миқдори тўғрисида) чораклик ҳисоботни ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 25-санасидан кечикмасдан, йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25-январигача бўлган муддатда мазкур Низомга 9 – 11-иловаларга мувофиқ тақдим этади.

Ҳисоботлар ваколатли органга бевосита ёки почта алоқа воситаси орқали буюртма хат билан тақдим этилади. Ушбу ҳолатда почта штемпелида қўйилган сана ҳисоботни тақдим этиш санаси ҳисобланади.

Юридик шахслар чораклик ва йиллик ҳисоботлари нусхаларини ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим қилишлари лозим.

**6-боб. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни йўқ қилиш**

36. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ва/ёки улардан тайёр-

ланган дори воситаларни йўқ қилиш:

уларнинг яроқлилиқ муддати тугаганда;

улардан фойдаланиш имкониятини истисно этувчи кимёвий ёки физик таъсирга учраганда;

уларнинг алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларга мансублигини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда амалга оширилади.

37. Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни йўқ қилиш гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни йўқ қилишга лицензияга эга бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

38. Мазкур Низомга 36-бандида кўрсатилган ҳолларда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни йўқ қилишда ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари вакилларида иборат бўлган комиссия тузилади ва далолатнома расмийлаштирилган ҳолда йўқ қилинади.

Йўқ қилиш жараёни фото ёки видеосуратга олинади.

Йўқ қилиш далолатномаси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

қўллаш учун яроқсиз алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларини йўқ қилиш санаси, вақти ва жойи;

қўллаш учун яроқсиз алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларнинг номи (серия рақами, яроқлилиқ муддати,

ўрамлари сони, миқдори (ишлаб чиқарувчининг номи кўрсатилган ҳолда);

моддий жавобгар шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

йўқ қилиш усули; комиссия аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими.

39. Ноқонуний муомаладан олинган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов даврида қайси орган томонидан аниқланган бўлса шу органининг ашёвий далилларни сақлаш хоналарида сақланади.

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар марказлаштирилган ҳолда сақлаш учун экспертиза хулосаси олинганидан сўнг, зарурат қолмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати органларига топширилади.

Улар бир йилда бир мартаба (алоҳида ҳоллар бундан мустасно) ёқиш усулида йўқ қилинади.

**7-боб. Яқунловчи қондалар**

40. Ушбу Низом талабларига мувофиқ даволаш мақсадида фойдаланиладиган, ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар барча юридик шахсларнинг раҳбарлари миқдорий-буём жиҳатдан ҳисобга олинмиши зарур бўлган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни тайинлаш меъёрлари учун жавоб беради.

41. Ушбу Низомнинг қондалари бузилишида айбдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар конунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

*Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга 1-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси**

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиб кириш учун

**000001-сон СЕРТИФИКАТ**

1. Олиб келинаётган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар номи (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори)

2. Импорт қилувчи ташкилот номи ва манзили

3. Экспорт қилувчи ташкилот номи ва манзили

4. Юкни қабул қилувчи

5. Юкни жўнатиш маршрути, транспорт тури

6. Олиб киришнинг режалаштирилаётган муддати

7. Кўрсатилган моддалардан фойдаланиш мақсади:

Сертификатнинг амал қилиш муддати **20** \_\_ й. «\_\_» \_\_

Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси раиси

20 \_\_ й. «\_\_» \_\_

*Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга 2-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси**

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиб чиқиш учун

**000001-сон СЕРТИФИКАТ**

1. Олиб чиқилаётган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар номи (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори)

2. Экспорт қилувчи ташкилот номи ва манзили

3. Импорт қилувчи ташкилот номи ва манзили

4. Юкни қабул қилувчи

5. Юкни жўнатиш маршрути, транспорт тури

6. Олиб чиқиши режалаштирилаётган муддати

7. Кўрсатилган моддалардан фойдаланиш мақсади:

Сертификатнинг амал қилиш муддати **20** \_\_ й. «\_\_» \_\_

Наркотикларни назорат

қилиш қўмитаси раиси

20 \_\_ й. «\_\_» \_\_

*Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга 3-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасаси Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси**

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни

Ўзбекистон Республикаси орқали транзит тарзда ўтказиш учун

**000001-сон РУХСАТНОМА**

Ариза берган ташкилот номи ва манзили

Транзит тарзида олиб ўтилаётган алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар номи (халқаро патентланмаган номи, дори шакли, дозаси, миқдори)

Юкни жўнатиш маршрути, транспорт тури

Мазкур рухсатноманинг амал қилиш муддати **20** \_\_ й. «\_\_» \_\_

Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси раиси

Берилган сана **20** \_\_ й. «\_\_» \_\_



## ◀ Давоми. Боши 1, 4 ва 5-бетларда

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

ДОРИХОНАЛАРДА АЛОҲИДА ТОИФАДАГИ КУЧЛИ  
ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ  
КИТОБИ

Дори воситасининг номи \_\_\_\_\_

Ўлчов бирлиги \_\_\_\_\_

Моддий-жавобгар шахс \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

Кирим					Чиким										Хар бир тур учун бир ойлик алоҳида чиким	Чиким турлари бўйича бир ойлик, жами	Ой охирига қолдиқ	Моддий жавобгар шахснинг имзоси
Ой	Ой бошига қолдиқ	Хужжат рақами ва сана (серияси)	Микдори	Қолдиқ билан бирга бир ойлик кирим, жами	Чиким турлари	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	....		
Январь					Амбулатория рецептураси бўйича													
					Даволаш муассасалари, даволаш муассасалари бўлимлари, дорихона бўлимлари													

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Бўлим мудирини

(Ф.И.О. ва имзо)

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

(даволаш-профилактика муассасасининг номи)

ички дорихонасидан алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни олиш учун

Т/р	Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг номи (номи, чиқарилиш шакли)	Ўлчов бирлиги (ампулаларда, таблеткаларда)	Сўралган микдори	Берилган микдори	Серия рақами	Бир донасининг нархи	Умумий нархи

Берди \_\_\_\_\_ Қабул қилди \_\_\_\_\_  
(дорихона мудирини Ф.И.О. ва имзоси) (катта хамшира Ф.И.О.) (Имзо)

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

Даволаш-профилактика муассасаларининг бўлимларида  
(хоналарида) сақланадиган алоҳида тоифадаги кучли  
таъсир қилувчи моддалар ҳисобини юритиш  
КИТОБИ

КИРИМ				ЧИКИМ					
Олинган сана	Хужжат рақами ва сана	Микдори	Олувчининг имзоси	Чиқарилган сана	Қабул қилувчи Ф.И.О.	Микдори	Қабул қилувчининг имзоси	Қолдиғи	Назорат

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга

7-ИЛОВА

Навбатчи тиббиёт ходимларида сақланадиган алоҳида тоифадаги  
кучли таъсир қилувчи моддалар ҳисобини юритиш  
КИТОБИ

КИРИМ				ЧИКИМ					
Олинган сана	Қаердан олинган	Микдори	Олувчининг имзоси	Тайинланган дорининг ишлаб чиқарилган санаси ва вақти	Беморнинг Ф.И.О.	Касаллик тарихи рақами	Микдори	Тайинланган дорининг бажарувчининг имзоси	Қолдиғи

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
8-ИЛОВА

Балансда мавжуд бўлган алоҳида тоифадаги кучли таъсир  
қилувчи моддаларни хатловдан ўтказиш  
РЎЙХАТИ

(юридик шахс номи)

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Биз, қуйида имзо қўювчилар, комиссия таркибидаги \_\_\_\_\_

(лавозими, Ф.И.О.)

алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар хатловдан ўтказилгани тўғрисида мазкур хатлов рўйхатини туздик

(лавозими, Ф.И.О.)

алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар хатловдан ўтказилгани тўғрисида мазкур хатлов рўйхатини туздик

Т/р	Номи	Ўлчов бирлиги (амп., табл.)	Серия рақами	Дафтардаги қолдиқ (дорихона; бўлим)	Ҳақиқий қолдиқ (дорихона; бўлим)

Комиссия раиси

(лавозими, Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари

(лавозими, Ф.И.О.)

(лавозими, Ф.И.О.)

(лавозими, Ф.И.О.)

\* Даволаш-профилактика муассасасида бўлимларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
9-ИЛОВА

20 \_\_\_\_ й. \_\_\_\_\_ да алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш (бериш) тўғрисида

ҲИСОБОТ

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг номи, дори шакли, дозировкаси

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг номи, дори шакли, дозировкаси	Ўлчов бирлиги	Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ	Кирим	Ҳисобот даврида сотилгани (берилгани)	Ҳисобот даври охиридаги ҳолатига қўра қолдиқ
1	2	3	4	5	6

20 \_\_\_\_ й. « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_

(ф.и.о.)

(имзо)

Ижрочининг фамилияси, исми,

отасининг исми ва телефон рақами

Моддий жавобгар шахс

◀ Давоми. Боши 1, 4, 5 ва 6–бетларда

**Изоҳ:**

- Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш (бериш) бўйича ҳисобот шакли ҳар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.
- Ўлчов бирлиги – ампулалар, флаконлар, таблеткалар, шамдорилар, капсулалар, трансдермал пластрлар.
- Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
10-ИЛОВА

**20\_\_ йилда алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалардан фойдаланган ҳолда, комбинациялаштирилган дори воситалари ишлаб чиқарувчи, тайёрловчи корхоналарнинг ҲИСОБОТИ**

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар субстанцияси номи	Тайёр маҳсулотнинг номи, дори шакли, дозировкаси	Тайёр маҳсулотнинг ўлчов бирлиги	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		Ҳисобот давридаги субстанция юрими	Ҳисобот даврида ишлаб чиқариш, тайёрлаш учун фойдаланилган субстанция	Субстанциянинг табиий камайиши	Ҳисобот даврида сотилган тайёр маҳсулот	Ҳисобот даври охиридаги субстанция қолдиги	Ҳисобот даври охиридаги тайёр маҳсулот қолдиги
			субстанция	тайёр маҳсулот						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами \_\_\_\_\_ Моддий жавобгар шахс \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

**Изоҳ:**

- Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ҳар бир тури ва дори препаратининг ҳар бир тури бўйича ҳисобот шакли алоҳида тўлдирилади.
- Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисидаги низомга  
11-ИЛОВА

**20\_\_ йил \_\_\_\_\_ да тиббиёт эҳтиёжларида алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалардан фойдаланиш тўғрисида ҲИСОБОТ**

(юридик шахснинг номи, СТИР коди)

Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар номи, дори шакли, дозировкаси	Ўлчов бирлиги	Ҳар бир тур бўйича йиллик эҳтиёж	Ҳисобот даври бошидаги қолдиқ	Кирим	Чиким	Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ
1	2	3	4	5	6	7

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ Ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

Ижрочининг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами \_\_\_\_\_ Моддий жавобгар шахс \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.) \_\_\_\_\_ (имзо)

**Изоҳ:**

- Алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалардан фойдаланиш бўйича ҳисобот шакллари ҳар бир тур бўйича алоҳида тўлдирилади.
- Юқори ташкилоти бўлган юридик шахслар ҳисоботни ўзларининг юқори ташкилотлари орқали тақдим этишлари мумкин, хусусий даволаш-профилактика муассасала-

ри ва дорихоналар ҳисоботларни вилоятлар соғлиқни сақлаш бўлимларининг Доимий фаолият кўрсатувчи комиссиялари орқали тақдим этадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 4 октябрдаги 632-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида кучли таъсир қилувчи моддалар муомаласини тартибга солиш тўғрисида» 2019 йил 27 сентябрдаги 818-сон қарорда:

- 1-иловада: 60-позициянинг «Халқаро патентланмаган номи» устуни «Сибутрамин, шунингдек, ўхшаш психоактив таъсирга эга бўлган унинг структуравий аналоглари» сўзларидан кейин «\*» белгиси билан тўлдирилсин;
- жадвалдан кейинги «\*Чакана реализация (сотиш) фақат гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни сақлаш ва сотиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган дорихоналар ва ижтимоий дорихоналар орқали амалга оширилади» жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин: «\* Ушбу моддалар алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ҳисобланиб, улар фақат гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддаларни сақлаш ва сотиш фаолияти учун лицензияга эга бўлган дорихоналар ва ижтимоий дорихоналар орқали улгуржи ва чакана реализация қилинади (сотилади)»;
- 2-илова қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

**«Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази қошидаги Кучли таъсир қилувчи моддалар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифларни тайёрлаш эксперт гуруҳи НАМУНАВИЙ ТАРКИБИ**

- Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази директори ўринбосари, Эксперт гуруҳи раиси
- Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази Нарковазиятни таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўлими бошлиғи, Эксперт гуруҳи раиси ўринбосари
- Лавозимига кўра — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази Нарковазиятни таҳлил қилиш ва прогнозлаш бўлими бош илмий ходими
- Лавозимига кўра — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаменти раҳбари
- Лавозимига кўра — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика соҳасини тартибга солиш ва дори воситалари эҳтиёжларини аниқлаш бўлими бошлиғи
- Лавозимига кўра — Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт маркази директори — психиатрия ва наркология хизмати бўйича бош мутахассис
- Лавозимига кўра — Республика шохлиқ тиббий ёрдам илмий марказининг токсикология илмий-клиник бўлими шифокори — токсикология хизмати бўйича консультант
- Лавозимига кўра — «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасининг Наркотикларни назорат қилиш қўмитаси раиси
- Лавозимига кўра — «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасининг Фармакология қўмитаси раиси
- Лавозимига кўра — «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» давлат муассасасининг Дори воситаларини сифатини назорат қилиш ва стандартлаштириш лабораторияси мудири
- Келишув бўйича — Давлат хавфсизлик хизмати масъул ходими
- Келишув бўйича — Бош прокуратура масъул ходими
- Лавозимига кўра — Ички ишлар вазирлиги Гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бошқармаси бошлиғи
- Лавозимига кўра — Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош маркази эксперти
- Келишув бўйича — Ички ишлар вазирлиги Академияси масъул ходими
- Лавозимига кўра — Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х. Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази «Заҳарли моддаларни криминалистик тадқиқоти» мутахассислиги бўйича бош эксперти
- Келишув бўйича — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси масъул ходими
- Келишув бўйича — Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси масъул ходими
- Келишув бўйича — Савдо-саноат палатаси масъул ходими

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомга 28-илованинг 9-позицияси қуйидаги мазмундаги «м» кичик банд билан тўлдирилсин:

«м) алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларини улгуржи реализация қилишда қуйидаги талаблар белгиланади:

фаолиятни гиёҳвандлик воситалари ва/ёки психотроп моддаларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият учун лицензия асосида амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, олиб чиқиш учун белгиланган тартиб асосида сертификат, шунингдек, республика ҳудуди орқали транзит тарзида ўтказиш учун рухсатнома расмийлаштириш;

алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларини сақлаш учун мўлжалланган хоналар гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни, уларнинг аналогларини ва прекурсорларни сақлашга доир техник талабларга мослаштириш;

алоҳида тоифадаги кучли таъсир қилувчи моддалар ва/ёки улардан тайёрланган дори воситаларини йўқ қилиниши психотроп моддаларни йўқ қилиниши тартиби асосида амалга оширилади».

(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 05.10.2024 й., 09/24/632/0778-сон)

**ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ КОРРУПЦИОН ҲОЛАТЛАР БҮЙИЧА ҲЕЧ БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тиббиёт тизимида коррупцияга қарши кескин ва муросасиз курашиш, турли бюрократик ва инсон омили билан боғлиқ тўсиқларга барҳам беришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари бўйича тезкор хабар бериш, хато-камчиликларнинг ўз вақтида олдини олиш ва уларни бартараф этиш мақсадида республика бўйича ягона 1203 рақамли "Ишонч телефони" фаолияти йўлга қўйилган.

Тизимида коррупция билан боғлиқ ҳолатларга дуч келсангиз, 71 241-10-65 ёки 1203 қисқа рақамли "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Бундан ташқари, фуқаролар ўз муурожаатларини қуйидаги платформалар орқали ҳам йўллаши мумкин:

вазирликнинг info@ssv.uz электрон почта манзили.

Хусусан, вазирлик қошида

Хурматли юртдошлар! Агар Сиз соғлиқни сақлаш

Мурожаатлар иш кунлари соат 08:00 дан 20:00 га қадар қабул қилинади ва маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ қафолатланади.

вазирликнинг янги ишга туширилган расмий телеграм боти (https://t.me/ssvantikor\_bot);

Унутманг! Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар қандай коррупцион ҳолатга нисбатан муросасиз мунобатда бўлади ва фуқароларнинг ҳеч бир муурожаати эътибордан четда қолмайди.

@ssvuz



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ФАРМОНИАКАДЕМИК В.ВОХИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН  
ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ  
МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини халқаро андозалар асосида ривожлантириш, аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, соҳада замонавий даволаш усуллари ва илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш, хусусан, мураккаб жарроҳлик операцияларини муваффақиятли амалга ошириш, жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси, юксак профессионал маҳорат ва малакага эга бўлган мутахассисларни тайёрлашдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

Исмаилов Сайдимуррад Ибрагимович - Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори

II даражали «Саломатлик» ордени билан

Гуламов Олимжон Мирзахитович

– Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази торакоабдоминал онкохирургия бўлими мудири

Мадгазиев Олег Рахматович – Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази торакоабдоминал хирургия бўлими шифокори

Хайбуллина Зарина Руслановна – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази клиник

биокимё ва микробиология бўлими мудири

Хайдаров Алишер Эркинович – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг кардиоанестезиология, кардиореанимация ва сунъий қон айланиш бўлими мудири

Ярбеков Рустам Раимқулович - Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг юрак ишемик касалликлари ва унинг асоратлари хирургияси бўлими мудири, кардиожарроҳи

«Дўстлик» ордени билан

Рустамова Франгис Камрановна - Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг маслаҳат поликлиникаси бўлими кичик тиббий ходими

Шуваева Ольга Владимировна – Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг тиббиёт архиви мудири

«Соғлом турмуш» медали билан

Джуроева Нигора Мухомовна – Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг магнит резонанс ва компьютер томографияси бўлими мудири

Кадиров Марат Жалгасович – У.Халмуратов номидаги Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими шифокори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ  
Тошкент ш.,  
2024 йил 26 сентябрь

## ФАОЛИЯТЛАРГА БЕРИЛГАН ЮКСАК БАҲО

Жорий йилнинг сентябрь ойида Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан мазкур муассасада ўтказилган тадбир бевосита Президентимиз топшириғи асосида Хирургия марказида қад ростлаган академик Восит Воҳидов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган эди.

Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ҳам бўлиб ўтди. Тадбирда тиббиёт соҳаси олимлари, юртимизнинг етакчи хирурглари, соҳа фахрийлари, бўлажак шифокорлар, муассаса жамоаси, қолаверса, АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Канада,



Қозоғистон, Тожикистон каби давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этишди. Халқаро анжуман аввалида давлатимиз раҳбарининг Академик Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази жамоасига табригини Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди. "...Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли ҳозирги кунда Марказ фаолияти янги босқичга қўтарилмоқда. Хусусан, дунёнинг етакчи илмий марказлари билан яқин ҳамкорликда иш олиб борилмоқда. Тиббий диагностика ва даволашнинг илғор ва самарали усуллари кенг татбиқ этилмоқда. Ўзбекистонда жарроҳлик бўйича етакчи ва нуфузли муассаса ҳисобланган ушбу марказ кўпмиллатли аҳил жамоасининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида алоҳида ўрин эгаллаб келаётганини барчамиз яхши

Ушбу тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Хукумат аъзолари, сенатор ва депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизимга қарашли даволаш-профилактика муассасалари, тиббиёт олий ўқув юртли вакиллари ҳамда хорижлик олимлар, тадқиқотчилар ва соҳа фахрийлари иштирок

этишди. Маросимни Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи Асилбек Худаяров қутлов сўзи билан очди. Шундан сўнг, академик Восит Воҳидовнинг ўғли Алишер Воҳидов, Россия Фанлар академияси академиги Владимир Порханов ва бошқалар ўзларининг табрик сўзларини изҳор этдилар.

Шунингдек, Академик В.

биламиз ва юксак кадрлаймиз, – дейилади Давлатимиз раҳбарининг қутловиди.

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи Асилбек Худаяров сўзга чиқиб, марказдаги фаолиятларга кенг ургу бериб ўтди. Шундан сўнг Президентимизнинг "Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ, ўнга яқин соҳа фидойилари ва жонқуярларига юксак давлат мукофотлари тантанали равишда топширилди. Мукофотлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов томони-

дан ўз эгаларига тақдим этилди. Анжуман доирасида мамлакатимизда хирургия соҳасини изчил ривожлантиришга алоҳида ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хорижлик тиббиёт олимлари ва юртимиз шифокорларига "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили" кўкрак нишонни топширилди. Ўз навбатида, бир қатор чет давлатлар соғлиқни сақлаш вазирилари ва етакчи тиббиёт муассасалари раҳбарларининг конференция иштирокчиларига йўллаган видео табриклари намойиш этилди. Шунингдек, анжуманда иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг қутлов сўзлари ва маърузалари тингланди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти  
ФАРМОНИ

# РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУХ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, хусусан, оналар ва болалар саломатлигини нишончли муҳофаза қилиш орқали миллий генофондни асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, замонавий диагностика ва даволаш усуларини амалиётга кенг татбиқ этишга қўшган муносиб ҳиссаси, юксак билим ва профессионал маҳоратга эга бўлган кадрларни тайёрлаш йўлидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг гинекология бўлими ҳамшираси

бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг гинекология бўлими акушер-гинеколог

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони билан

поғистон Республикаси

**Надирханова Наталья Суратовна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази директори

**Ким Ен-Дин** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг анестезиология ва реанимация бўлими мудир

II даражали «Саломатлик» ордени билан

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Любич Аделина Семёновна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг фахрий шифокори

**Раҳманов Узганбай Мансурович** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг гинекология қабули бўлими акушер-гинеколог

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Балтабаева Зулфия Сабировна** – Қўнғирот тумани тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими мудир, Қорақал-

**Френкель Римма Аркадьевна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг ҳомиладорлар патологияси бўлими акушер-гинеколог

**Чернова Наталья Ивановна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола

«Соғлом турмуш» медали билан

**Адилова Гулнара Мирзаевна** – Нурафшон шаҳри тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлими акушер-гинеколог, Тошкент вилояти

**Неулибина Наталья Сергеевна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг «Оила ва никоҳ» маслаҳатхонаси педиатри

**Салиходжаева Гулнара Романовна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг патологоанатомия бўлими мудир

**Сидикова Лариса Дмитриевна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг эндовизуал лапароскопик гинекология бўлими акушер-гинеколог

**Чалова Айсултан Джуманиязовна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг туғуруқ бўлими катта дояси

**Шомиров Абдухамид Қўчқарович** – Республика ихтисослаштирилган она ва

«Шухрат» медали билан

**Исамухамедов Бахтияр Каримбердиевич** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг «Оила ва никоҳ» маслаҳатхонаси терапевти

**Нафикова Гулнара Аршадовна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг туғуруқ бўлими дояси

**Нурматова Мухаббат Илясовна** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг акушерлик қабули бўлими акушер-гинеколог

**Юсупбаев Рустем Базарбаевич** – Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг феталь тиббиёт бўлими мудир.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**  
Тошкент ш.,  
2024 йил 17 октябрь

## МЕҲНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Жорий йилнинг 18 октябрь куни пойтахтимизда Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

ри ҳамда хорижлик олимлар, тадқиқотчилар ва соҳа фахрийлари иштирок этди.

Тадбир аввалида Президент Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари Одил Абдураҳмонов Президентимизнинг Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази жамоасига табригини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг "Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш



ди. Мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева ўз эгаларига топшириб, марказ жамоасини ушбу қутлуғ сана билан табриклади. Анжуман доирасида мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ хорижлик тиббиёт олимлари ҳамда юртимиз шифокорларига "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочили" кўкрак нишони топширилди. Шунингдек, тадбирда қатор халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва хорижий ҳамкорларнинг конференция иштирокчиларига йўллаган видеотабриклари намойиш этилди.

**Саида Мирзиёева** Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги маркази ходимларини табриклади. Бугун Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломат-

лиги илмий-амалий тиббиёт маркази ўзининг 50 йиллигини нишонламоқда. Президент ёрдамчиси **Саида Мирзиёева** марказнинг барча ходимларини ушбу муҳим сана билан табриклади ва уларнинг ҳар кунлик фидокорона меҳнатлари учун чуқур миннатдорлик билдирди. "Бачадон бўйни ва кўкрак беши саратони профилактикаси ҳамда уни даволаш бўйича янги давлат дастури доирасида аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини тақомиллаштирамиз. Она сути билан озиклантиришни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилади. Биз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан ҳар бир аёл учун бахтли оналикни кафолатлайдиган шароит яратишимизга ишонаман",– дейди Президент ёрдамчиси.



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси вакиллари, Ҳукумат аъзолари, сенатор ва депутатлар,

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, тизимга қарашли даволаш-профилактика муассасалари, тиббиёт олий ўқув юрлари масъулла-

тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ йигирмага яқин соҳа фидойилари фахрий унвон, орден ва медаллар билан тақдирлан-



## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

## АБУ АЛИ ИБН СИНО

*Жорий йилнинг 12 октябрь куни Самарқанд давлат тиббиёт университетида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Ибн Сино жамоат фонди ҳамкорлигида Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1044 йиллигига бағишланган III Халқ таботати бўйича халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Нуфузли анжуманнинг асосий мавзуси "Абу Али Ибн Сино-тиббиёт жавоҳири" деб номланди. Мавзу доирасидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тиббиёт илмининг асосчиси, буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Синонинг бой мероси, нафақат юртимиз, балки бутун дунёхамжамиятида ўз ўрнига эканлигини эътироф билан таъкидлашимиз айна ҳақиқатдир.*



Раҳмон ва Эрон Ислום Республикаси файласуфлар ассоциацияси раиси, профессор Ғуломриза Аъванийлар ҳам сўзга чиқиб, буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино номи бутун дунёга машҳурлигини таъкидлаб, унинг турли фанларни ривожига қўшган ҳиссаси ниҳоятда бекиёс эканлиги тўғрисида ўз



**А**нжуманда 12 та давлатдан 50 нафарга яқин дунёнинг олим, файласуф ва табиблари, шунингдек, юртимиз олимлари, профессор-ўқитувчилари, соҳа мутахассислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда талабалар иштирок этишди.

Мазкур халқаро анжуманни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари **Эльмира Баситханова** кириш сўзи билан очиб, ушбу халқаро нуфузли анжуманда иштирок этган хорижий давлатлардан ташриф буюрган ва барча иштирокчиларни самимий қутлаб, анжуман мавзуси доирасида кенг тўхталиб, юртимиз тиббиёт илмининг буюк намоёнчаси, унинг бой



ларининг эътирофли фикрларини билдириб ўтишди.

Анжуман доирасида Самарқанд давлат тиббиёт университети ва Ибн Сино жамоат фонди Кореянинг KOMSTA ташкилоти билан меморандум имзолашди. Кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзуларда хорижий давлат вакиллари ва юртимиз олим ва профессорлари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан маърузалар қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида иштирокчилар иринчи ва иккинчи секцияларга бўлиниб, муҳим мавзулар бўйича чиқиш қилдилар. Биринчи секцияда "Замонавий фармакологияда анъанавий тиббиётнинг роли", иккинчи секцияда "Халқ таботати: юқумли ва юқумсиз касалликлар"га бағишланган маърузалар бўйича хорижий

## III Халқаро халқ таботати

ва маҳаллий мутахассислар иштирокида маърузалар тингланди. Шу ўринда таъкидлашимиз жоизки, тадбир доирасида анжуман олди Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармоқли клиникасининг 1-сон ички касалликлар кафедраси мажлислар залида "Маҳорат дарслари", университетнинг мултидисциплинар клиникасининг янги жаррох-



илмий ҳамкорлиги ўрни", Ибн Сино жамоат фонди бошқарув раиси **Нозимхон Маҳмудов** "Абу Али Ибн Сино: ўтмиш нури келажакни ёритар" мавзуларида кизиқарли маърузалар қилдилар.

Анжуман доирасида Ўзбекистон халқ таботати академияси ва Эрондаги Абу Али Ибн Сино илмий-маданий фонди ўртасида **ҳамкорлик меморандуми имзоланди.**

Халқаро анжуманнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки бўлдики, унинг доирасида бир ҳафта олдин Кореянинг KOMSTA ташкилоти ва маҳаллий мутахассислари билан ҳамкорликда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг кўп тармоқли клиникасида аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, бепул тиббий даволаш хизматлари амалга оширилди.

**Сайид ЗИЛЛУР,**  
**Ҳиндистондаги Ибн Сино академияси президенти, профессор:**

– Бизни ушбу нуфузли конференцияга таклиф этишгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорчилик билдираман. Ибн Сино буюк табиб, файласуф, у ислом таълимотига катта ҳисса қўшган. Унинг асарлари дунё нигоҳида. Ибн Сино қолдирган меросни ҳиндистонлик олимлар катта қизиқиш билан ўрганишади. Мутафаккирнинг тиббиёт, фармацевтика, фалсафа, математика, руҳшуносликка оид асарлари ҳамда "Тиб конунлари" китоблари ҳинди тилига таржима қилинган. Юртимизда Ибн Синонинг 200 дан ортиқ асарлари мавжуд. Ибн Сино мерос қолдирган илми шифокорлар, аҳоли орасида кенг тарғиб қилишимиз зарур. Шу боисдан, ўтказилган конференция бизга кўп томонлама фойдали ва фикр алмашиш учун ўзаро манфаатли бўлди.

**Жасур РИЗАЕВ,**  
**Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори:**

– Аввало, юртимизда ана шундай мақсадли халқаро анжуманларга кенг йўл очиб бераётган Президентимизнинг оқилона сиёсатлари боис, юртимизга ташриф буюраётган ҳар бир хорижлик меҳмонлар Янги Ўзбекистонимизнинг келажак порлоқ эканлигини ўз фикрларида баён этмоқдалар.



мероси дунё ҳамжамиятидан ўрин олган бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтди. Сўнгра, Самарқанд давлат тиббиёт университети ректори, профессор **Жасур Ризаев** ҳам сўзга чиқиб, халқаро анжуманнинг мазмун-моҳиятига атрофлича тўхталиб, мазкур

ва тиббиётимиз асосчиси Абу Али Ибн Синонинг фаолияти хорижий давлат олим ва файласуфлари томонидан эътироф этилаётганлигига алоҳида тўхталиб ўтди. Шунингдек, мамлакатимизга илк бор ташриф буюрган Ҳиндистондаги Ибн Сино академияси Президенти, профессор, Сайид Зиллур



ХАЛҚАРО АНЖУМАН

# ТИББИЁТ ЖАВОҲИРИ

## бўйича илмий-амалий анжуман



Шундай экан, “Абу Али Ибн Сино – тиббиёт жавоҳири” III Халқ таъбаоти бўйича илмий-амалий конференция ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Ушбу нуфузли анжуманга 12 давлатдан 50 нафарга яқин олимлар, файласуфлар, шунингдек, юртимиз олимлари, соҳа вакиллари иштирок этишди. Агар анжуман дастуридан келиб чиқадиган бўлса, тиббиёт илмининг асосчиси, буюк қомусий олим Абу Али Ибн Сино бобомизнинг буюк мероси ва унинг чуқур таълимотига бағишланган маърузаларининг ўрин олганлиги бу, албатта, юртимиз тиббиёти ва таъбаоти тига бўлган юксак эҳтиромни



**Гуломризо АЪВАНИЙ,**  
Эрон Ислон Республикаси  
Файласуфлар  
ассоциацияси раиси:  
– Улуғ олимга бағишланган



кўрамыз. Мазкур анжуман доирасида маҳорат дарсларининг олиб борилганлиги, “Абу Али Ибн Сино: Фалсафа ва шеърят” мавзусида **Ўзбекистон – Эрон илмий форуми**, секция ишлари, шунингдек, Корейнинг KOMSTA ташкилоти ва маҳаллий мутахассислар билан ҳамкорликда ўтказилган аҳолини тиббий-кўриқдан ўтказиш ва бепул даволаш жараёнларининг олиб борилганлиги тадбирнинг мақсад ва вазибалари муштараклигини янада очиб берди. Албатта, бу каби нуфузли даражадаги тадбирлар замирида инсонлар саломатлиги мужассамлигини ҳамда бир сўз билан айтганда, илмий тиббиёт ва халқ таъбаотининг уйғунлашиб бораётганлигини кўрамыз.

конференция ташкил этилганидан бағоятда хурсандман. Самарали ташаббус, чунки Ибн Сино меросини тўлиқ ўрганиш биз учун қарз. Конференциядаги чиқишим ҳақида гапирадиган бўлсам, Ибн Синонинг фалсафий қарашларини очиб бердим. У буюк файласуф бўлган, бир нечта соҳани мукамал билиш, ҳамма олимларга ҳам насиб этмаган. Аммо Ибн Сино мукамал, кучли даҳо бўлган. Унинг асарларида фалсафага оид фикрлар ниҳоятда кўп. Беназир таъбаот илми соҳиби мисли қуёш нуридек ҳали хануз дунё аҳлининг тан ва руҳига жон бахш этар экан, унинг бой мероси ўрганилаверди, изланишлар давом этаверди.

**Илҳомжон БЕКМИРЗАЕВ,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори:  
– Биз уч йилдан бери шу нарсанга гувоҳи бўляпмизки, Ибн Синони бир умр ўргансак ҳам, уни илмий мероси, ижоди, уни қарашлари, фалсафий тафаккурини тўлиқ ўрганиш имконияти йўқ экан. Чунки, бу нарсани ҳар бир конференцияда учрашган пайтимизда янги-янги олимлар жамоаси, Ибн Синонинг яна қанақадир асарининг кашф этилиши ва қайси қўлёзмалар фондида яна бир асарнинг топилиши билан боғлиқ янгиликларга



зиденти, профессор Саййид Зиллур ҳазратлари Бобурийлар давридан қолган Худобахш кутубхонасида жуда катта фонд борлигини, аминмизки, ушбу фондда ҳам Ибн Синонинг асарларига ёзилган шарҳлар, асарларнинг урду тилидаги таржималари бўлиши муқаррарлигини факт ва мисоллар билан келтириб ўтдилар. Балки кейинги экспедициялар Эронга, Ҳиндистонга бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам тақлифлар ўртага ташланди.

**Нозимхон МАҲМУДОВ,**  
Ибн Сино жамоат фонди бошқаруви раиси:  
– Абу Али ибн Синонинг фалсафаси – бу меросни ўрганишга кириш эшигидир. Шу боисдан, конференцияда биз асосий эътиборни алломамиз-

таҳлил қилиш эронлик олим, профессор Нажафқули Хабиби томонидан амалга оширилди, у сўнги 8-10 йил давомида турли хил 10 та “Тиббиёт қонунлари” матнларини ўрганган. Илмий-тадқиқотлар асосида эронлик олим “Тиб қонун” матнларини танқидий таҳлил қилишнинг 1 ва 2 жилдларини ёзди. Бу Абу Али Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” ни ўрганиш бўйича ноёб ва бебаҳо илмий ишдир. Эрон гуманитар ва маданий тадқиқотлар институти номидан Ибн Сино жамғармаси кутубхонасига китоблар совға қилинди.

Шунингдек, Ҳиндистондаги Ибн Сино Академияси Президенти, профессор Саййид Зиллур Раҳмон ҳинд олими профессор Абдул Латифнинг “Ислон оламида қўлланиладиган табиий ўсимлик гиёҳлари” китобини Фондимизга ҳадя қилди.

Бу каби ҳамкорлик ва муштақкам алоқалар буюк бобокалонимизнинг бой илмий меросини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**Ли Сеюнг УН,**  
“Комста” ташкилоти президенти:

– Биз дунё бўйича халқ таъбаотининг турли йўналишларида бепул тиббий хизмат кўрсатадиган ташкилотмиз. Бу сафар 4 кун давомида Самарқандда 1080 нафар беморга бепул тиббий ёрдам кўрсатдик. Биз конференцияда иштирок этиб, ҳамкорлик борасидаги мақсадларимизни муштараклигидан хурсанд бўлдим. Ушбу нуфузли анжуманнинг қамрови ниҳоятда мазмун ва моҳиятга бойлиги билан барча иштирокчиларни бир мақсад сари бирлаштира олди. Тадбир мавзуси “Абу Али ибн Сино тиббиёт жавоҳири”, деб номланишининг ўзи Ўзбекистон таъбаот илмининг султони Абу Али Ибн Синонинг бой мероси ва таълимотига бўлган эътироф юқори эканлигини гувоҳи бўлдик. Албатта, бу йўналишда ҳамкорлигимиз бардавом бўлишига ишончим қомил.

*Хулоса ўрнида айтишимиз жоизки, бўлиб ўтган бундай нуфузли халқаро анжуманда нафақат юртимиз, балки дунё тиббиёти ривожини муносиб ҳисса қўшган буюк алломамиз Абу Али Ибн Сино шахсияти, бой мероси ва таълимотига хоризжий давлат олимлари, экспертлари, файласуфлари томонидан билдирилган эътирофлар, бу албатта, Ўзбекистон аҳли учун фахр ва гурурдир.*



# ОТА ВА ОНА КАСБИНИ

Яйра Ҳақимованинг содик шогирдлари, ҳамкасблари ва дилкашлари Яйра Саттаровнанинг вафотидан кейинги биринчи йиғилишларини ўтказишганда мен ҳам қатнашишга рухсат олдим. Салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашишдан кейин мен 2024 йилнинг 19 августида Яйра Саттаровнанинг таваллудига 75 йил тўлишини ва шу санага бағишлаб, у тўғрисида хотира китобини ёзиш таклифини ўртга ташлаганимда барча учрашув иштирокчилари бу таклифни маъқуллашди. Бундан олдин Яйра Саттаровна вафотининг 2 кунни уйига фотиҳага борганимда бу ҳақида кичик ўғли Маъруфжонга маслаҳат қилганимда у ҳам маъқуллаб, ака-укалари ва қариндошларга ҳам бу фикрни етказишни айтди. Шу тариқа иш бошланди. Яйра Ҳақимова тиббиёт ходимлар оиласида дунёга келган. Вояга етиб, ота-оналарининг дуоларини, ризоликларини олиб, тиббиёт касбини танлади ва бу соҳада падари бузрукворлари волидаи мухтарамалари эришган муваффақиятларга эришиб, обрў-эътиборда кам бўлмади. Шу сабабли, тиббиёт ходимлари оиласи тўғрисидаги ҳикоямизни, оиланинг бошлиғи, Республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида фаолият юритиб келган Саттор Исаевичдан бошласак, тўғри бўлади.

## Умаров Саттор Исаевич (1910-1987 йй)

Соғлиқни сақлаш ташкилотчиси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач”, Тошкент тиббиёт академияси даволаш факультетини 1935 йилда тугатган. Мехнат фаолияти Тошкент ҳарбий пиеда ўқув юртида бошлаган (1935-1936), 1936-1940 йилларда пойтахтимиздаги 4-сонли поликлиникада бош врач лавозимида фаолият олиб борган. 1940-1941 йилларда 194-ўқчи дивизиянинг врачлари, 1941-1942 йилларда Улуғ Ватан уруши фронтларида, 1942-1946 йилларда Самарқанд госпиталида тиббий хизмат майори, 1946-1948 йилларда Тошкент шаҳридаги 1-юқумли касалхонада, 1948-1954 йилларда Тошкент шаҳар тез ёрдам клиник шифохонасида, 1954-1962 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказий бирлашган касалхонасида бош шифокор вазибаларини бажарган. 1962-1964 йилларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария, гигиена, касб, патологияси илмий текшириш институтида ташкилий услубий бўлими мудири, 1964-1975 йилларда Республика санавияти станцияси, 1975-1981 йилларда шаҳар санитария оқартирув уйининг бош врачлари бўлиб ишлаган. 5 та орден, 17 та медаль соҳиби, Соғлиқни сақлаш аълочилиги нишони, Республика ҳукумати фахрий ёрлиғи билан тақдирланган.

## Хури Мунаварова (1919-2002 йй)

Хури Мунаварова 1919 йилда Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Ўрта мактабни битиргач, Тошкент аёллар педагогика билим юртига кириб, уни 1934 йилда битиради. Таббатга бўлган иштиёқи Хури

Мунаваровани Тошкент тиббиёт институтига етаклайди ва 1933 йилда институтнинг педиатрия факультетини битиради. Мехнат фаолиятини 1939 йил июнида Тошкент шаҳар 1-касалхонасида ординаторликдан бошлайди. 1939 йил октябрь ойидан бошлаб, ҳозирги Яккасарой туманидаги 3-болалар маслаҳатхонасида педиатр бўлиб ишлайди. 1941 йил сентябрида II жаҳон уруши майдонларидан келтирилган ярадорлар учун ташкил этилган 3665-сонли эвако-госпиталда ишлаш учун бошқалар қатори Хури Мунаварова ҳам ўтказилди. 1943 йилнинг октябридан-декабрига 1-болалар амбулаториясида врач педиатр, 1943 йил декабрдан 1944 йил августгача Юнусобод туманидаги 9-болалар маслаҳатхонасида врач педиатр, 1944 йил августдан 1945 йил декабргача пойтахтдаги 24-сонли мактабгача тарбия муассасасида врач-педиатр, 1945 йил декабридан 1947 йилнинг февралигача Юнусобод туманидаги 3-болалар поликлиникаси бош врачлари, 1948 сентябридан 1950 йил сентябргача Тошкент шаҳридаги 2-болалар юқумли касалхонаси (кўк йўтал, қизамик, - болалар учун) бош врачлари, 1950 йил апрелидан 1987 йилгача яъни 37 йил давомида Юнусобод туманидаги 4-болалар сил касалхонаси (кейинчалик 2-болалар юқумли касалхонаси)да бош врач лавозимида ишлаб нафақага чиққан. Хури Мунаварова 48 йиллик мехнат фаолиятининг 42 йилини шаҳар тиббиёт муассасалари раҳбари вазибаларида фаолият юритади. Шу жумладан, 37 йил битта муассаса (2-болалар юқумли касалхонаси)да фаолият олиб боргани, бу албатта, Хури Мунаварованинг касбига бўлган садоқатидир. Хури Мунаварова табиатан камтар, босиқ, камгап, шу билан бирга гаплари ерда қолмайдиган инсон эди. Шу жиҳатлари билан ходимлар орасида обрў-эътиборлари баланд эди.

## Хури Мунаваровага берилган тавсифлар:

4-болалар сил касалхонаси врачлари Фок Янкель, Хури Мунаварова ташаббускор, интизомли, топшириқларни ўз вақтида бажаради, дея эътироф этган. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими махсус бўлим бошлиғи Иван Митрофанов, “Ўртоқ Хури Мунаварова раҳбарлик ишини даволаш ишлари билан билимдонлик ва узвийликда олиб боради. Тиббиёт ходимлар ва у бошқарган муассаса хизматчилари орасида хурматга эга” инсон дея ўз фикрларини баён этади. Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудири вазибаларини бажарувчи Халима Юсупова “Ўз иш фаолияти даврида ишчан, ташаббускор врач, ташкилотчилик қобилиятини намойиш этди” деб таъкидлайди.

Шу ўринда таъкидлаш муҳими, Хури Мунаварованинг шаҳар тиббиётига қўшган хизматлари юқори баҳоланган: “1941-1945 йиллардаги “Шавкатли мехнати учун”, “Германия устидан қозонилган ғала-

ба учун”, 1941-1945 йилларда “Мехнатда ўрнатилган кўрсатгани учун”, “Мехнат фахрийси” медаллари, 2 марта раҳбариятнинг фахрий ёрлиқлари, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон тиббиёт ходимлари касба уюшмаси, вилоят тиббиёт ходимлари касба уюшмаси, шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими, туман, шаҳар ҳокимиятларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган. Хури Мунаварова “Соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланган.

## Яйра Ҳақимова (1949-2024 йй)

Яйра Ҳақимова 1949 йил 19 август кунин Тошкент шаҳрида шифокорлар оиласида дунёга келган. 1972 йилда Тошкент дав-



лат тиббиёт институтининг педиатрия факультетини тугатган. Яйра Ҳақимова мехнат фаолиятининг 28 йили Тошкент шаҳар 2-болалар юқумли касалхонаси билан боғлиқ. У мехнат фаолиятини 1968 йилда 2-болалар юқумли касалхонасида ҳамшира вазибаларидан бошлаган. 1972 йил 1 июлидан 1973 йилнинг 30 июлигача шу касалхонада интернатурани ўтган ва ординаторлик вазибаларига қабул қилинган. Бу вазибалар 6 йил ишлагач, 1979 йилда бўлим мудири этиб, 1987 йилда касалхона бош врачлари этиб тайинланади. 1996 йилда истеъодли врач, талабчан ташкилотчи, олий тоифали шифокор Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмасининг бош врачлари лавозимига ўтказилади. Бу лавозимда ишлаган йилларда туманда тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш масалаларига асосий эътиборни қаратди. Туманда фаолият юритаётган тиббиёт муассасалари сифатли таъмирланди. Сил касаллигига қарши, тери-таносил диспансерлари янги биноларга кўчирилди. Маҳаллаларда кексалар, ногиронлар, бемор аёлларга тиббий хизматни яқинлашти-

риш, малакали ёрдам кўрсатиш ҳамда Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурини амалга ошириш, поликлиникалар, улар тармоғи фаолиятини кучайтиришга аҳамият берилди. Яйра Ҳақимова раҳбарлигида шаҳарда биринчи бўлиб “Ҳасанбой” мавзесида маҳалла врачлик пункти ишга туширилди. Даволаш профилактика муассасаларининг моддий-техник ҳолатини яхшилаш мақсадида бюджетдан ташқари маблағ топиш ишларига алоҳида аҳамият берилган. Марказий кўп тармоқли поликлиникада декретлашган ишчи, хизматчиларни, шофёрларни пуллик тиббий кўриқдан ўтказиш бўлими шаҳар туманлари орасида биринчилардан бўлиб

кўриқда Юнусобод тумани 1-2 ўринларни эгаллаб келган. Яйра Ҳақимова тажрибали ташкилотчи, билимдон мутахассис, олий тоифали врач, унинг хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланди. 1993 йилда “Мустақиллик” медалига, 2001 йилда “Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллиги” эсдалик нишонига сазовор бўлди. Яйра Ҳақимова 1999 йилда Тошкент шаҳар Халқ кенгаши депутати этиб сайланган, ХДП аъзоси бўлган.

## Яйра Ҳақимова

### ҳақидаги хотираларим

Яйра Саттаровна табиатан қаттиққўл, бир сўзли, гапи тўғрилигига ишонса кимлигидан қатъий назар шартга айтадиган, ходимларга нисбатан меҳнат интизомини тасдиқланган идоравий низомлар талаби даражасидан чиқмаган ҳолда бажарилишини талаб қилар ва ўзи ҳам риоя қиларди. Юқори идоралар томонидан аҳоли соғлиқни сақлаш ишлари сифатини янада кўтарилишини талаб этувчи буйруқлар қонунларни туман миқёсида бажарилиши юзасидан ўтказиладиган мажлислар, тиббий кенгашлари ўта талабчанлик, аниқлик, мазмунли бўлиб шу билан бирга чўзилиб ҳам кетмасди. Тиббиёт муассасалари раҳбарларидан ижро интизому, топширилган вазибаларнинг бажарилиши муддати сифатли ва натижаларга алоҳида аҳамият берилар эди. Ўта қаттиққўл, фақат бажарилган ишга холис баҳо берадиган, қатъий инсон Яйра Саттаровна ўзининг туман соғлиқни сақлаш бирлашмасини бошқарган 15 йил давомида бирор бир раҳбарга оғир гапирмади. (Туман ташкил бўлганидан бери ўтган 75 йил давомида район соғлиқни сақлаш бўлими тиббиёт бирлашмасини бошқарган 14 нафар раҳбарлар ичида ҳозирча 15 йил муттасил ишлаб келди.) Ишдаги талабчанлик раҳбарнинг одамийлик хислатларига таъсир этмасоғина ҳақиқий раҳбар бўла олади. Расмий ҳолатлардан ташқари Яйра Саттаровна ширинсухан, одамхон, меҳрибонлигини кўриб, гоҳо бу ўша Яйрами? – деб қолар эдик. Аналари Хури Мунаварова 1939 йилда Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия бўлимининг битириб, болалар маслаҳатхонасида оддий врач, консультация мудири, болалар поликлиникаси бош врачлари ва 37 йил давомида шаҳар 2-болалар юқумли касалхонасини бошқарган. Отаси Саттор Исаевич Умаров Тошкент давлат тиббиёт институтини 1935 йилда тугатиб, ҳарбий врач, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва урушдан кейинги йилларда узоқ вақт шаҳардаги тиббий муассасаларда республика миқёсидаги идораларда самарали ишлаган. Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, Яйра Саттаровна шифокорлар оиласида туғилиб, вояга етиб, улар касбини мерос қилиб олган туғма истеъдод эгаси десак тўғри бўлади. Мен иш фаолиятимни Қашқадарёда уч йил ишлаб Тошкентга келиб, шаҳардаги 1-бирлашган



# УЛУҒЛАГАН ФАРЗАНД ЭДИ

болалар касалхонасининг поликлиника бўлимида маҳалла врачлари бўлиб ишлаганман. Ўша даврда менга бириктирилган маҳаллада 1 ёшгача бўлган бола шифохонада вафот этса, ўлим сабабини таҳлилига маҳалла шифокори ҳам таклиф этиларди. Бу даврда мен ҳам катнашган таҳлилларни бош врач Хури Мунаварова олиб борганди. Мен Хури опани биринчи марта 1962 йилда ўша таҳлилларнинг бирида кўрганман, 43 ёшли ўрта бўйли, юзлари оппок, сочлари тим қора, қадди комати келишган, гаплари мулойим, залворли, шу билан бирга жамоасидаги ходимларнинг 80 фоиз рус ва бошқа русий забонлар ташкил этишга қарамай, барча ходимлар унга қулоқ тутар, ҳал қилувчи қарор доимо опадан эди. Ходимлар опани жуда ҳурмат қилишарди. Яйра Саттаровна бир сўзли, керак бўлса овозни бироз кўтариб залворли қилиб сўзлаш отадан ўтган бўлса, мулойимлик одамийлик хислатлари, раҳбарлик усуллари онадан ўтган бўлса не ажаб!? Яйра Саттаровна Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасида раҳбар бўлиб иш бошлаганидан 2 ҳафталар ўтиб, мен ўтирадиган хонага кириб келдим. Мен туман тиббиёт бирлашмасида ўсмирлар иши бўйича бошлик муовини бўлиб ишлардим. Бироз умумий ишлар бўйича гаплашганимдан кейин, мен тўғримида оналари кўп марта гапиргани, узок йиллар давомида шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида, ҳозирги Юнусобод туманида раҳбар бўлганимни, тажрибали ва яхши инсон эканлигимни, маслаҳат олишимни сўраганларини айтиб, энди бирга ишлашимизни керак бўлса, маслаҳат сўраб туришини айтди. Мен уларга раҳбарликда тажрибаси етарлигини қолаверса, оналаридан кўп нарсани ўрганганларини таъкидлаб, одамларга муносабат масалалари ва ҳар қандай ҳолатда хизмат ваколатлари доирасида ходимлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда ҳал қилувчи қарорни ўзи қабул қилишини айтдим. Яйра Ҳакимованинг 15 йил давом этган раҳбарлик даврида, тумандаги аҳоли саломатлиги кўрсаткичлари муттасил яхшилана борди. Ходимлар орасида каттиқ раҳбарнинг обрўси орта борди. Шаҳар раҳбарияти назарига тушди, шаҳар кенгашига депутат этиб сайланди. 2011 йилда Яйра Ҳакимова Тошкент шаҳар маслаҳат ташхис поликлиникасига раҳбар этиб тайинланди. 2022 йилда саломатлиги туфайли меҳнат фаолиятини тўхтатди. Яйра Ҳакимова бирга ишлаётган ходимларга талабчанликни қамайтирмаган ҳолда уларни кадрларди. Яйра Саттаровна туман тиббиёт бирлашмасида иш бошлаганидан 4 йил ўтгач, ҳукумат қарори билан ишлаётган нафақахўрларнинг нафақаси 50 фоизга қисқартирилди. Бунинг устига ногиронлиги бўлган ходимларни ишлатиш-ишлатмаслик раҳбар қўлида эди. Ишласам, уйда нима қиламан, ишласам нафақани кесадим. Бу масалада Яйра Саттаровнага маслаҳат солган эдим, раҳбаримиз ҳозирча сиз бизга кераксиз, ногиронликка чиқинг, сизга ишлашга рухсат бераман” – деб кўнглимни тоғдек кўтарди. 1999 йилда шаҳар ҳарбий комиссарияти қошидаги тиббий комиссияга катта врач вазифасига тайинланди. Туман тиббиёт бирлашмасида бош врачнинг ўсмирлар иши бўйича муовини вазифасида ишлаб юрганымда, ҳарбий қақирув вақтида, туман ҳарбий комиссарияти тиббий комиссияси ишида катнашар эдим. Бу ердаги раҳбар полковник С. Холикназаров шаҳар ҳарбий комиссариятига бошлик бўлиб ўтгач, шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасида мени шаҳар ҳарбий ТИБ комиссиясига катта врачлигига ўтказишни сўраган экан. Бу ерда бир йил ишладим. Бу вазифа менга тўғри келмаслиги боисдан мен ишдан бўшашга ариза бердим ва Яйра Саттаровнага кўнгирик қилдим. Менинг ўрнимга яқиндагина

одам олишганини айтди. Бир ой ишсиз юрганымдан кейин туман тиббиёт бирлашмасидан кўнгирик қилиб, мени Яйра Саттаровна ишга таклиф этганини билдиришди, ишга қайтдим. 2009 йилда штатлар қисқариш ҳақида қарор чиққач, туман тиббиёт бирлашмасида ишлаётганларнинг энг кексаси сифатида бўшашга ариза бердим. Яйра Саттаровна аризамни рад этди. Шунда мен Яйра Саттаровнага рухсат берса, Юнусобод тумани тиббиёти тарихини ёзсам, бунинг учун менга бир ой архивда ишлашга рухсат беришини сўрадим, илтимос қилдим. Шу тариқа 2014 йилда “Юнусобод тиббиёт тарихи” 420 бетлик китоб босмадан чиқди. Бу китобни дунёга келишида Яйра Саттаровнанинг хизмати катта эди. 2013 йил 2 октябр куни туғилганимга 80 йил тўлиши муносабати билан жамоага кичкинагина дастурхон ёзилди. Режа бўйича фақат ўзимизнинг ходимларга етарли жой тайёрланди. Бироқ тадбир бошланишидан олдин-



роқ туман санитария-эпидемиология станцияси бош врачлари, доценти Асрорхўжа Зокирхўжаев, туман тиббиёт ходимлари касабга уюшмаси раиси, туман 4-сонли силга қарши диспансери бош врачлари ва мен билан бирга ишлаган раҳбарлар ва жамоамиздан кетганига 2 йил бўлган Яйра Саттаровна катта совғалар билан кириб келишди. Буларни туман тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари таклиф этган бўлса керак Яйра Саттаровна 15 йил давомида менинг раҳбарим бўлиб, менга кўп яхшилик қилган. Бу яхшиликларини унутмаган ҳолда бу ажойиб инсоннинг мазмунли ҳаёт йўлини, авлодларга уни билганларга ибрат намунаси бўлар, деган умидда ёритишга ҳаракат қилдим. Яйра Саттаровна туман тиббиёт бирлашмасидан кетиб бошқа ишга ўтганида ҳам салом алик, байрам табрикларни тўхтамаган. Янги ишхонасига бориб табрикларни ҳам унутмаганман. 2018 йилда бўлса керак, туман тиббиёт бирлашмасидан кўнгирик қилиб, бизни кига меҳмонлар келишини маълум қилишди, айнан кимлар эканини айтишмади. Ҳеч қутилмаган меҳмонларни қуттишга дастурхон ёздик. Пешиндан кейин меҳмонлар эшик тақиллатишди, эшикни очиб не кўз билан кўрайки, Яйрагон бошчилигида туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари муовини Р. Нурметова, Д. Юнусова, Г. Қодирова, Ф. Фозилова, М. Саидалаевналар кириб келишди. Бундай қутилмаган меҳмонларни кўриб жуда хурсанд бўлиб, боримизни дастурхонга қўйдик, камига қарздоримиз деб ҳазиллашдик. Собик раҳбарим, ҳамкасбларимиз ишдан кетганидан анча йил ўтган бўлса ҳам эслаб келишгани кўнглимни тоғдек кўтарди. Самимий сўхбат чоғида Яйра Саттаровна фарзандлари ҳақида гапириб улардан хурсандлигини, бироқ кичик келинининг хомиладорлиги кечикаётганини айтиб, негадир мендан дуо сўради. Шунда мен ўзим гувоҳ бўлган воқеани айтдим. Ишхона-

мизда бир ёшгина ҳисобчи аёл ишларди. Бир куни гаплаша туриб отаси врачлигини айтиб қолди. Маълум бўлдики, унинг отаси Махмуд мен билан бирга Тошкент давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетида ўқиган курсдошим бўлиб чиқди. “Сен энг кичик фарзандимсан?” – деган саволимга йўқ мен биринчи фарзандман, ота-онам мени 10 йил қуттишган, ота-оналарининг ажрашгани, бошқа аёлга уйлан дейишларига қарамай сабр билан яхши кунларга ишониб яшашган ва 10 йилдан кейин уларга Оллоҳ ўнга фарзанд ато этган – дедим. Шу воқеани айтиб “Сизга ҳам сабр қаноатингизга яраша совға оласиз!” деб кўнгилиларини кўтаргандек бўлдим. Шундан кўп ўтмай жияним Хабибулло билан Умра сафарига бордик, Каъбани зиёрат қилиш чоғида барча зиёратчилар эшиги олдиндан ўтаётганларида ниятларини баён этиб, Оллоҳдан ижобат бўлишини сўрашади. Мен ҳам ўша жойга борганимда, барча ниятларим

жойи Қуръон нурлари билан мунавар бўлишини Оллоҳдан сўраймиз!

Хури Мунаварова, Яйра Саттаровна ўз фаолиятлари даврида қанчадан-қанча беморлар инсонларни, уларнинг дилбандлари фарзандларининг дардини даволаб, улар хонадонига битмас-туғалмас шодлик олиб кириб, жуда катта савобли иш қилганларки, бу хайрли ишларни олмосдан тошу, олдиндан тарози билан ўлчанса ҳам камлик қилса керак.

**Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси бош врач ўринбосари Робия Нурметова энг яқин инсони Яйра Саттаровна билан боғлиқ ширин хотираларни қуйидагича эслайди:**

“Яйра Саттаровна билан иш юзасидан 1995 йилда улар бош шифокор бўлиб ишлаётган болалар юқумли касалликлар шифохонасида танишганим ва уларга роса ҳавасим келган эди. Болаларга тиббий ёрдам кўрсатишлари, ҳар битта бола ҳақида маълумотга эга эканликлари, таҳлил қилишлари ҳамда хоналари жуда чиройли гуллар билан безалган эди. Кейинчалик тақдир тақозаси билан 1996 йилдан бошлаб 16 йил давомида Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасида бирга иш фаолиятини олиб борганман. Улар олий тоифали раҳбар-ташкilotчи, талабчан, узокни кўра оладиган раҳбар, меҳрибон, ишончли дўст бўлганлар. Яйра Саттаровнадан мен ташкilotчилик, ходимларни бошқариш, ҳар битта кўрсаткичларни таҳлил қилишни ўрганганман. Улар ўзлари ҳам жуда гўзал, ҳаётлари ҳам чиройли, ҳавас қилса арзғулик бўлган. 27 йилдан ортиқ йиллар давомида улар менга устоз, опам, сирдош дугонам яхши кунимда, бошимга ташвиш тушганда ҳам бирга бўлиб ёрдамларини аямаганлар. Мана бугун бизларни ташлаб кетган инсон қалбларимизда абадий бўлиб қолдилар”.

**Яйра Саттаровнанинг шогирди 51-оилавий поликлиниканинг собик бош шифокори Гўзал Қодированинг дил хотиралари:**

“51-оилавий поликлиниканинг бош шифокори сифатида азиз инсоним Яйра Саттаровна раҳбарлигида фаолият олиб бордим. Дарҳақиқат, яхши инсонлар тўғрисида гапирганим келаверади. Мен бош шифокорлик фаолиятим даврида устозим Яйра Саттаровна ўз билимдонлиги, одамийлиги ва бошқариш қобилиятларидан кўп ўрнак олдим. Яйра Саттаровна ақлли, зукко, доно раҳбар бўлганлар. Шунингдек, оилада вафоли ёр, меҳрибон она ва севимли бувижон бўлганлар. Мен Яйра Саттаровна устозимни ўз дўстлари, дугоналари ва қариндошларига меҳрибон бўлиб хизмат қилишдан чарчамайдиган қалблари кенг, зиёли инсон сифатида жуда ҳурмат қилганман. Улар билан бирга меҳнат фаолиятимда бирга ишлаш насиб этганидан миннатдорман. Ана шундай устозимдан ибрат олганлигим мен учун катта мактаб бўлди. Уларнинг хотиралари қалбимда мансу яшайди”.

**54-оилавий поликлиника бош шифокори Дилором Юнусованинг хотиралари:**

“Яйра Саттаровна шундай раҳбар эдиларки, ҳаммага тўғри йўл кўрсатар камчилигини ҳам айтиб шу билан бирга меҳрибонлик қилиб хатоларни ўз вақтида тузатиш йўллари айтар эдилар. Керак бўлганда ёрдам ҳам бердилар. Менинг фаолиятимда уларнинг ҳиссалари катта. Устозим Яйра Саттаровнани доим чексиз ҳурмат эҳтиром билан эслайман”.

**Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази шифокор-инфекционист Мохибон Абидова қуйидагича эслайди:**

“Яйра Саттаровна ҳақида гап кетганида, бу аёлни қомилликка интиланган

Давоми 14 –бетда▶

билан бирга Яйрагоннинг кичик келинига фарзанд ато этишини Оллоҳдан сўрадим. Умра сафаридан қайтгач, катталарга совға саломдан ташқари, яхши ният бўлсин келажакда туғиладиган чақалокка 2 жуфт энгил оёқ кийими бири ўғил болага, бири киз болага атаб олдим. Яйра Саттаровнани йўқлагани бориб совғаларни топширдим. Боришимдан олдин кўнгирик қилган эдим. Шу вақтга мен билан бирга ишлаган бош врачларни ҳам таклиф ва сўхбатимиз ниҳоясида Яйра Саттаровна шу хонадонда ҳам чақалок йиғиси эшитилишини сўраб дуо қилишимни сўради. Кўп ўтмай навбатдаги телефон орқали ҳол-аҳвол сўраганимизда, келинлари хомиладор бўлганини ва эсон-омон қутулиб олишини сўраб дуо қилишимни сўради. Мен ҳар кунги намозларимда бошқалар қатори Яйра Саттаровнанинг келинини ҳам дуо қила бошладим. Оллоҳга шукурлар бўлсин кўп вақт ўтмай келин Ҳасан-Хусан фарзандлар кўрди. Унинг бутун меҳнат фаолияти, ёшлиги куч-қувватини ўзи севган, ота-онасидан мерос қилиб олган касбига бағишлади. Меҳнатлари зое кетмади, халқ унга раҳматлар айтди. Ҳукумат тақдирлади. 2017 йилда саломатлиги туфайли меҳнат фаолиятини тўхтатди. Бирга ишлаган ҳамкасбларни, кейинчалик опа-сингилга айланиб қолган дугоналаридан етти нафарини йиғиб ҳар ойда бир марта сўхбатлашини ташкил этди. Бу опа-сингил, дугоналар, ҳамфиқрларнинг соғиниб дилдан сўхбатлашганларини кўрганлар, эшитганлар ҳавас қиладиган сўхбатихонлар гапаштаги эди. Оғир хасталик оқибатида келган бешафкат ўлим севимли онани, бувини, учрашувни соғиниб қутадиغان етти парининг маликасини олиб кетди. На илож, бандамиз сабр қилиб, улар руҳини шод этадиган амаллар қилишдан бошқа чорамиз йўқ. Борар жойи жаннат бўлсин, ётган



# ОТА ВА ОНА КАСБИНИ УЛУҒЛАГАН ФАРЗАНД ЭДИ

## ◀ Давоми. Боши 12 ва 13-бетларда

ибрат намунаси, десам муболага бўлмайди. Болаларда учрайдиган юқумли касалликларни бутун сир асрорини мукамал билган шифокор, қаттиққўл, талабчан, адолатли раҳбар, тажрибали соғлиқни сақлаш ташилотчиси, меҳрибон устоз, оила кўрсонининг соҳибаси, она, буви, садоқатли дўст. Мени шифокор, раҳбар, инсон сифатида шаклланишимда опанинг ўринлари беқиёсдир. 1989-1994 йилларда опани кўлларида шифокор инфекционист. Бўлим мудири, боши врач вақтинча вази-фасини бошқарувчи бўлиб ишлаб оналик таътилига чиқиб кетдим. Аллоҳнинг энг олий мўжизаси бўлмиш ҳазрати инсон-га хизмат қилишдек олий масъулиятни зиммасига олган Яйра Саттаровна минглаб гўдакларни дардига малҳам бўлишида тунни-тонга, кунни-тунга улаб меҳнат қиларкан, манга шундай ўғит берардилар нафақат жисмини, балки инсон руҳияти ва қалбини ҳам даволаш керак, дердилар. Яйра Саттаровнанинг ёрқин ўчмас хотиралари қалбимизда умрбод қолади.

### 55-оилавий поликлиниканинг собиқ бош шифокори Мияссар Бабаджанованинг яқин инсонии хақидаги фикрлари:

"Ўз иш фаолиятим даврида кўплаб яқин инсонлар билан танишим ва ишлаш бахтига муяссар бўлдим. 1996 йилда Юнусобод тумани тиббиёт бирлашмаси

раҳбари этиб Яйра Ҳақимова тайинланди. Улар билан ишлаш давомида бу инсоннинг чеҳраси гўзал, қалби пок ва бағрикенг ўз касбининг эгаси, моҳир мутахассис ва ўта синчков тиббиёт ходими бўлган. Инсон сифатида жуда адолатли бўлган Яйра Саттаровна ҳар бир ходимга унинг лавозимидан қатъий назар хоҳ у оддий ишчи бўлсин, хоҳ раҳбар тўғри ва асосли танбеҳ берар ва камчиликларни барта-раф этиши учун фурсат ҳам берар эди. Яйра Саттаровнанинг ёрқин хотирасини эслар эканман, бу инсонни нафақат раҳбар, балки гамхўр ҳамда меҳрибон она ва устоз сифатида ёдга оламан. Устознинг охирашлари обод бўлсин.

### 20-оилавий поликлиника бош врач Фарида Фозилованинг хотиралари:

"Устозим Яйра Саттаровна энг олижаноб ва қалби пок инсон эди. Касбий маҳоратлари ва фаолиятлари билан ўта машғул бўлсалар ҳам шахсий ишларига қарамай, улар доимо инсоний муносабатини ҳамма нарсадан устун қўйишга ҳаракат қилганлар. Ҳаётимдаги айрим муаммолар пайдо бўлганда самимий та-бассумлари ва ўз вақтида қўл чўзганлари ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Яйра Саттаровна истеъдодли раҳбар ва ҳақиқий мутахассис эдилар.

### 4-болалар юқумли касалликлар шифохонаси бош шифокор ўринбосари Аддиба Ўлжаеванинг дил хотиралари:

"Ҳаёт сўқмоқлари бизларни не манзил-



ларга олиб бормайди. Лекин, бу йўлларни танлаш ҳамма вақт ўз қўлимизда бўлади ва албатта, тўғри йўл танлашда бизга раҳнамо бўлган ота-оналаримиз, устозларимиз, ҳамкасбларимиз ҳам катта аҳамиятга эгадилар. Мени ёнига олиб, билим ўргатган, етук шифокор бўлиб етишимизда ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган устозларимдан бири – Яйра опамлардир. Устозим тиббиёт соҳасида ўзининг кўп йиллик тажрибаси ва малакаси-га эга бўлган мутахассис эдилар. Фақат устоздек эмас, меҳрибон онадек ўз меҳр-

лари, муҳаббатларини биздан аямаганлар. Мен умрим бўйи тиббиёт соҳасида меҳнат қилдим, нафақа ёшига ҳам этиб қолдим. Менга ва мен каби шифокорларга устозлик қилган, бизнинг шу даражага етишимизга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Яйра опамлардан ва бошқа кўпгина устозларимиздан умрбод миннатдорман".

Дил хотираларини оқ қоғозга  
Йўлдош КАРИМОВ туширди.

Тошкент шаҳри

## ДИЛ ИЗҲОРИ

# СИЗГА ТАЪЗИМ ШИФОКОРЛАР!

Таъкидлашимиз муҳимки, Тошкент шаҳрининг Учтепа тумани 1966 йилда ташкил этилган. Асосий аҳолиси – шаҳарнинг маркази – Шайхонтоҳур тумани аҳолиси бўлган ва кўпчилиги ўзбеклардан ташкил топган. "Учтепа" деганда кўпчилик "Она ва бола маркази"ни, яъни 3-сон шаҳар болалар клиник шифохонаси, 9-сон тугруқ комплекси ва 22-сон оилавий поликлиникани тушунишади.

Бу тиббиёт мажмуалари ичида 22-оилавий поликлиника ўзига хос муҳим ўринга эга. Поликлиника ҳудудида 19 та маҳалла, турли миллат вакиллари, ҳомилдор аёллардан тортиб, то кекса қарияларгача, боғча ва мактаб ўқувчиларидан ташкил топган аҳоли истиқомат қилади. Поликлиниканинг асосий мақсади – касалларни даволаш эмас, балки касалликни бошланғич босқичда аниқлаб, уни тезда бартараф этиш, яъни профилактика ишларини олиб боришдир. Айтишимиз лозимки, муассасада ҳар хил соҳа ва йўналишлар бўйича шифокор ва ҳамширалар фаолият олиб боришади. Уларга махсус хоналар, асбоб-ускуналар, компьютер техникалари ажратилган. Ундан ташқари, ҳар бир маҳаллага оила шифокори ва бир нечта ҳамширалар бириктирилган. Уларни вази-фаси – ҳар бир кўча ва хонадонларда истиқомат қиладиган аҳолини хатловдан ўтказиб, назоратга олиш, шунингдек, ҳар бир фуқаронинг саломатлиги тўғрисида чуқур маълумотга эга бўлиш ҳамда ётоқда бўлган беморларга жиддий эътибор қаратишдан иборатдир. Мазкур тиббиёт масканида махсус "Тез ёрдам" машиналари ҳам мавжуд. Шунингдек, шифо масканида рентген, умумий амалиёт шифокори, муола-

жа, стоматология, ЛОР, офтальмология, кардиология, гинекология, урология хоналари, физиотерапия бўлими ҳамда 18 нафар кишига мўлжалланган кундузги шифохона фуқароларга хизмат кўрсатади ва поликлиника икки сменада ишлайди. Маълумки, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг махсус буйруғига асосан поликлиникада ходимларнинг кунлик иш соатлари белгилаб берилган. Шу ўринда айтишимиз муҳимки, поликлиникани бош шифокори Нигора Шамсиева иш фаолияти даврида бир нечта босқични босиб ўтди. Биринчи босқичда мамлакатимизда пандемия касаллиги тарқалиб кетганда шифохона ходимлари бутун имкониятларни ишга солиб, аҳоли ўртасида тинчлантириш, тушунтириш ва эмлаш ишларини олиб бордилар. Иккинчи босқичда туман ҳокимияти ёрдамида шифохона биносини капитал таъмирлашдан чиқаришди. Таъмирлаш ишлари олиб борилган бўлсада, жамоа ходимлари ўз фаолиятларини давом эттириб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб боришди. Учтинчи босқичда шифокор Нигора Рустамовна аёлларга кўкрак беши саратони касалигини олдини олиш ва скрининг қилиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасининг ёрдамида махсус маммография аппаратида по-



ликлиника ҳудудидаги вояга етган кизлардан тортиб, то кекса аёлларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Албатта, бундай муҳим фаолиятлар тиббиёт муассасасида олиб борилаётган ислохотларнинг қанчалик инсонлар саломатлигида алоҳида ўринга эга бўлаётганлигини кўриб келмоқдамиз. Унинг натижасида хасталиклар олди олинди, аҳоли орасида касаллик кўрсаткичлари пасайиб бормоқда. Ушбу шифо масканидаги фидойи ходимлар меҳнати ҳукуратимиз томонидан эътироф этилиб, мазкур оилавий поликлиникага аввало, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулла Арипов, кейинчалик эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевлар ташриф буюришди. Ташриф чоғида улар бош шифокор билан суҳбатда бўлишди, шу билан бирга тиббиёт муассасасининг шароитлари билан яқиндан танишишди. Хулоса ўрнида айтмоқчи-манки, раҳбариятнинг ходимлар билан учрашув ва суҳбатлари жа-

раёнида ушбу оилавий поликлиникада соғлом муҳит барқарорлиги ўзифодасини топди. Поликлиникада ходимлар орасида ёш шифокорлар, айниқса, ёш ҳамширалар кўпчилики ташкил этади. Эътирофлиси шундаки, мазкур тиббиёт муассасасида ўзининг кўп йиллик тажрибаси ва касбига бўлган садоқати билан фидойиларча меҳнат қиладиган жамоа ходимлари меҳнати аҳоли дуосига мушарраф бўлаётганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Айниқса, ўз касбининг моҳир усталари бўлган бош шифокор муовини Лола Гапитова, ходимлар бўлими ноизири Гулчеҳра Тураходжаева, бўлим бошлиғи Раъно Турсунова, невропатолог Маъмура Абдуллаева, ЛОР шифокори Хуррият Бурханова,

оила шифокори Наджия Авзалова, кундузги шифохона шифокори Саида Нурмухамедова, травматолог Акбар Боқиев, акушер-гинеколог Гўзал Қўзиева, бош ҳамшира Дилдора Гулмирзаева, катта ҳамшира Феруза Мирходжаева, физиотерапия ҳамширалари Гўзал Ғофурова, Зилолаxon Агзамова, БОКС биринчи ёрдам ходими Кифоят Алимова, муолажа ҳамширалари Мавлуда Мухамедова, Дилором Иргашева, Шаҳноза Юлдашова, доялар Дилором Мавлянова, Дилдора Нигматова ва МСБ ҳамшираси Анзире Шорахмедоваларнинг сифатли тиббий ёрдамлари ҳамда илиқ муомалаларидан аҳоли ниҳоятда мамнун бўлмоқда.

Бахтимизга ана шундай қалби пок, ўз касбига виждонан ёндашайтган, бемор қалбларга нажот бахши этаётган тиббиёт ходимларимиз омон бўлишсин.

Мирқосим МИРСОБИРОВ.  
Тошкент шаҳар "Халқ демократик партияси"  
Нуронийлар кенгаши аъзоси.



# ТЕНДЕРДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФ (IFB)

Ўзбекистон Республикасидаги «Худудий тиббиёт муассасаларини  
тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳаси

«EDCF» Қарз Битими №: UZB-13

Сана: 16 октябрь 2024 йил

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Корея Экспорт-импорт банкининг Иқтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) маблағлари ҳисобидан «Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш учун 74 000 000 АҚШ доллари миқдоридан кредит олди. Ушбу кредит маблағларининг бир қисмини мазкур лойиҳа доирасида худудий тиббиёт муассасалари учун тиббий асбоб-ускуналар харид қилиш шартномаси тўловларига ажратилиши режалаштирилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги («Вазирлик») «Худудий тиббиёт муассасаларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш» лойиҳаси доирасида тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича тендер иштирокчиларидан муҳрланган тендер таклифларини қабул қилишни бошлашни маълум қилади.

3. Ушбу тендер савдолари «EDCF кредитлари доирасида харидлар бўйича йўриқнома» да белгиланган «бир босқичли ва икки конвертли танлов савдолари (Competitive Bidding)» тартиб-қоидалари орқали ўтказилади ва куйидаги минимал малака мезонларига жавоб берадиган барча муносиб иштирокчилар учун очикдир.

Ушбу Тендер тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш вазифасини бажарувчи ягона корхона (Single Entity), бир нечта юридик шахсларнинг бирлашмасидан ташкил топган қўшма корхона ёхуд ассоциация/консорциум (JVA) шаклидаги ташкилотлар учун очикдир. Мазкур иштирокчиларда Қўшма корхона (JVA) тузиш тўғрисидаги шартнома мавжуд бўлиши, шартнома мавжуд бўлмаган ҳолда эса Қўшма корхона тузиш ниятидалигини, кейинчалик имзоланган шартини билдирувчи хат (Letter of Intent) тақдим этилиши керак.

**а. Тиббий асбоб-ускуналар етказиб бериш бўйича тендер иштирокчилари учун талаблар:**

• Корея Республикаси фуқароси (шу жумладан, Корея Республикасининг қонунларига мувофиқ ташкил этилган юридик шахслар; бундан кейин ҳам худди шундай қўлланилади)

• Корея Республикаси фуқаролари 50% дан ортиқ улушга эга бўлган хорижий корпорациялар; Корея фуқаролари бошқарувни ва тадбиркорлик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолган хорижий корпорациянинг хорижий филиаллари.

• Ушбу тендерда иштирок этиш учун қарз олувчи давлат қонунларига мувофиқ ташкил этилган корпорациялар билан тузилган консорциумларда Корея Республикаси фуқароси 50% ёки ундан ортиқ улушга эга ёки де-факто қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

б. Тендерда қатнашаётган иштирокчининг охириги уч йилги (2021, 2022, 2023) ўртача соф бойлиги ва ўтган йилги соф бойлиги ижобий бўлиши керак. Соф бойлик умумий активлар ва умумий мажбуриятлар (пассивлар) ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади. (Қўшма Корхона (JVA) да камида битта компания ушбу талабга жавоб бериши керак).

• Молиявий ҳисоботлар (Аудитланган ҳисобот ёки Корея ҳукумати (NTS) томонидан берилган сертификатлар)да кўрсатилган йиллик соф фойдада сўнгги уч [3] йил (2021, 2022, 2023 йиллар) давомида камомад бўлмаслиги керак (Қўшма Корхона (JVA) даги ҳар бир компания ушбу талабга жавоб бериши керак).

с. Банкротлик ҳолати ва корпоратив қайта ташкил этиш жараёнидаги иштирокчи ушбу тендерда қатнашиши тақиқланади (Қўшма корхонадаги (JVA) ҳар бир компания ушбу талабга жавоб бериши керак);

д. Иштирокчига қарши олиб борилаётган ҳар қандай тугалланмаган суд жараёнлари унинг фойдасига ҳал қилинмаган деб ҳисобланади. Ушбу суд ишлари натижасида юзага келиши мумкин бўлган потенциал молиявий йўқотишлар тендер иштирокчисининг 2023 йилги соф бойлигининг 50% дан ошмаслиги керак. (Қўшма корхонадаги (JVA) ҳар бир компания ушбу талабга жавоб бериши керак);

е. Қўшма Корхона (JVA)нинг Вакил компанияси (Representative firm) нинг сўнгги уч [3] йилдаги (2021, 2022, 2023 йиллар) ўртача йиллик айланмаси 150 000 000 АҚШ доллари [Юз эллик миллион АҚШ доллари] ортик бўлиши керак.

ф. Қўшма Корхона (JVA)нинг бошқа компаниялари сўнгги уч [3] йилдаги (2021, 2022, 2023 йиллар) ўртача йиллик айланмаси тугалланмаган ёки тугалланган шартномалар бўйича олинган, жами тасдиқланган тўловлар миқдори 20 000 000 АҚШ доллари [йигирма миллион АҚШ доллари] дан ортиқ бўлиши керак.

г. Тендер иштирокчилари лойиҳани муаммосиз бажариш учун 1 000 000 АҚШ доллари [Бир миллион АҚШ доллари] миқдоридан молиявий ресурсларга эга эканлиги ҳақида нуфузли банклардан сертификат ёки мажбурият хатига эга бўлиши керак. Қўшма корхона (JVA) учун Вакил компания умумий талабнинг 60% дан ортигини қондириши керак ва барча шериклар йиғиндиси

бирлаштирилган талабнинг юз фоизини [100%] қондириши керак.

h. Тендер иштирокчиси тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича таклиф эълон қилинган кундан бошлаб камида охириги уч [3] йил давомида тажрибага эга бўлиши керак. Қўшма корхона (JVA) нинг камида битта компания ушбу талабга жавоб бериши зарур.

i. Тендер иштирокчисининг Тиббий асбоб-ускуналар лойиҳаси\* га ўхшаш тажрибаси ўз мамлакатига ёки ундан ташқарида камида учта [3] та, камида биттаси [1] иштирокчининг ўз мамлакатидан ташқарида бўлиши лозим. Бажарилган шартноманинг минимал суммаси 2 000 000 АҚШ доллари [Икки миллион АҚШ доллари] га тенг ва тендерга эълон берилган кундан бошлаб охириги уч [3] йил ичида (қафолат муддатини ўз ичига олади) амалга тугалланган бўлиши муҳим. Тиббий асбоб-ускуналар Қўшма корхона (JVA) да камида битта компания ушбу талабга жавоб бериши керак

\* "Ўхшаш тиббий асбоб-ускуналар лойиҳаси(лари)" – тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш, ўрнатиш, ўқитиш ва қафолатини ўз ичига олган тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш лойиҳасини англатади ҳамда ушбу лойиҳада келтирилган бир хил мақсад ва вазифага эга бўлган тиббий асбоб-ускуналар сонининг камида 50 фоизига тўғри келади.

4. Ушбу тендерда иштирок этишга қизиқиш билдирган компаниялар қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бирлашган лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳидан олишлари ва тендер ҳужжатлари билан куйидаги манзил бўйича ҳафта кунлари соат 09:00 дан 16:00 гача танишишлари мумкин.

5. Тендер ҳужжатларининг тўлиқ тўпламини тендерда иштирок этишни истаган ҳар қандай компания томонидан куйидаги манзилга ёзма ариза тақдим этган ҳолда ва 300 АҚШ доллари миқдоридан қайтарилмайдиган йиғим тўлаган ҳолда олиши мумкин. Тўлов усули банк ўтказмаси орқали бўлади. Тендер ҳужжати 2024-йил 16 октябрдан бошлаб тақдим этилади.

«Бююртмачи»

Реквизитлар:

Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;

Адрес: г. Ташкент, 100011, ул. Навои, 4;

л/с: 400110840262777076100054001;

ИНН: 200 935 974;

Наименование казначейского подразделения: Комитет казначейской службы Министерства Экономики и финансов;

Каз.сч: 23402840900100001011,

МФО: 00014,

ИНН: 201 122 919;

Наименование банка: ГУ РКЦ ЦБ РУз г. Ташкент;

SWIFT: CBUZUZ22.

6. Тендер таклифларининг қоғоз ва электрон нусхаси куйидаги манзилга топширилиши керак. Тендер таклифларнинг қайта ёзилмайдиган компакт дискдаги ёки «USB» хотирадаги нусхаси ва қоғоз нусхаси 2024 йил 2 декабрь соат 16:00 га қадар куйидаги манзилга олиб келиниши ёки ундан олдин ҳаво куръери орқали етказилиши керак. Барча тендер таклифлари 1 500 000 АҚШ доллари миқдоридан Кафолат ҳужжати (Bid Security) билан бирга топширилиши керак. Кафолат ҳужжати тендер таклифнинг дастлабки амал қилиш муддатидан ташқари йигирма саккиз (28) кун давомида амал қилиши керак. Белгиланган вақтдан кечиккан тендер таклифлари рад этилади. Тендер таклифларида қатнашишни истаган барча иштирокчилар гувоҳлигида очилди ва видеога ёзиб олинади. Бююртмачи тендер олдидан йиғилиш (Pre-Bid meeting) ҳамда тендер таклифлари (техник ва молиявий таклифлар) ни очиш санаси ва жойини тасдиқловчи қўшимча хабарнома юборилади.

7. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тендер иштирокчиларининг таклифларини тайёрлаш ёки етказиб бериш билан боғлиқ ҳеч қандай харажатларни ўз зиммасига олмайди.

Номланиши:	Бирлашган лойиҳани амалга ошириш гуруҳи
Мурожаат:	Зоиржон Мингбаев, Умиджон Раҳимов
Манзил:	Тошкент ш., Яшнобод т., Паркент кўчаси, 294-уй
Мамлакат:	Ўзбекистон Республикаси
Электрон почта:	zoirjon.mingbaev@gmail.com, urakhimov907@gmail.com д.

# ПРИГЛАШЕНИЕ К УЧАСТИЮ В ТОРГАХ

Дата публикации: 16 октября 2024

Республика Узбекистан

Обеспечение медицинским оборудованием региональных учреждений здравоохранения

Кредит EDCF № : UZB-13

1. Правительство Республики Узбекистан получило заем от Экспортно-импортного банка Кореи из средств Фонда экономического развития и сотрудничества (EDCF) Республики Корея в размере **74,000,000 долларов США** и намерено использовать часть средств этого займа для оплаты по контракту на поставку «**Оснащению медицинским оборудованием территориальных медицинских учреждений**».

2. Министерство здравоохранения Республики Узбекистан (далее - «МЗ») приглашает соответствующих требованиям участников торгов на подачу запечатанных тендерных предложений на следующие закупки по «**Оснащению медицинским оборудованием территориальных медицинских учреждений**».

3. Торги будут проводиться в соответствии с Руководством Закупочных Процедур EDCF в виде одноэтапных и двухконвертных торгов.

Данное приглашение к участию в торгах открыто для участников, которые являются единой организацией или объединением организаций в форме совместного предприятия или ассоциации/консорциума, которые должны выполнять роль поставщика медицинского оборудования в рамках существующего соглашения или с намерением заключить такое соглашение, подкрепленное письмом о намерениях.

а) Правомочными участниками торгов на поставку медицинского оборудования являются:

- Гражданин Республики Корея (включая юридические лица, зарегистрированные в Республике Корея в соответствии с ее законодательством; в дальнейшем применяется то же самое).

- Иностранная корпорация, в которых гражданам Республики Корея принадлежит более 50% акций, а также иностранные дочерние компании иностранной корпорации, право на управление и ведение бизнеса которых принадлежит гражданам Республики Корея.

- Консорциумы, созданные гражданином Республики Корея для участия в проекте с корпорациями, созданными в соответствии с законодательством развивающейся страны, являющейся заемщиком в данном проекте, в которых гражданин Республики Корея владеет долей в 50% и более или имеет фактические права на принятие решений.

б) Показатели ликвидности участника торгов за последние три [3] года (2021, 2022, 2023) в среднем и за последний год, рассчитанные как разница между общими активами и общими обязательствами, должны быть положительными, соответственно. (Хотя бы один партнер по СП должен соответствовать этому требованию).

- Годовая чистая прибыль, указанная в финансовой отчетности (аудированном отчете или сертификатах, выданных правительством Кореи (NTS)) Участника конкурса, не должна быть дефицитной в течение последних трех [3] лет (2021, 2022, 2023). Каждый участник должен соответствовать этим требованиям.

с) Участникам, находящимся в состоянии банкротства или в процессе реорганизации компании, запрещено участвовать в торгах по данному проекту;

д) Все незавершенные судебные процессы должны рассматриваться как разрешенные против участника торгов, и поэтому в общей сложности не должны составлять более пятидесяти процентов (50%) от чистой стоимости участника торгов на 2023 год (каждый партнер по СП должен соответствовать этому требованию);

е) Средний годовой оборот фирмы-представителя за последние три [3] года (2021, 2022, 2023) должен превышать US\$ 150 000 000 [Сто пятьдесят миллионов долларов США].

ф) Среднегодовой оборот участника конкурса за последние три [3] года (2021, 2022, 2023) должен превышать 20 000 000 долларов США [Двадцать миллионов долларов США], рассчитанный как общая сумма сертифицированных платежей, полученных за текущие или завершенные контракты.

Участники торгов должны иметь сертификат или гарантийное письмо от известных банков о том, что участник торгов имеет финансовые ресурсы/доступ к 1 000 000 долларов США (один миллион долларов США) для беспрепятственного выполнения проекта. Для СП, компания-представитель должна соответствовать более чем 60% от общего требования, а сумма всех партнеров вместе взятых

должна соответствовать ста процентам [100%] от требования.

h) Участник конкурса должен иметь опыт работы по контрактам на поставку медицинского оборудования в роли поставщика в течение как минимум последних трех [3] лет с даты подачи заявки. Этому требованию должен соответствовать хотя бы один партнер по СП.

i) Не менее трех [3] аналогичных проектов по медицинскому оборудованию\* в стране происхождения участника торгов или за ее пределами, по крайней мере, один [1] за пределами страны участника торгов должен быть включен. Минимальная сумма контракта US\$2,000,000 [Два миллиона долларов США], выполненного за последние три [3] года (включая гарантийный период) с даты публикации конкурсного предложения. Хотя бы один партнер в СП по медицинскому оборудованию должен соответствовать этому требованию.

\* "Аналогичный проект(ы) медицинского оборудования" означает проект поставки медицинского оборудования, включающий поставку, установку, обучение и гарантийное обслуживание медицинского оборудования, совпадающего не менее чем на 50% с количеством медицинского оборудования того же назначения и функции, перечисленного в данном проекте.

Заинтересованные участники торгов могут получить дополнительную информацию в Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан ("МЗ") и ознакомиться с документацией по торгам по указанному ниже адресу с **09:00 до 16:00(по ташкентскому времени) часов**.

Полный комплект конкурсной документации может быть приобретен любым заинтересованным участником торгов при подаче письменного заявления по указанному ниже адресу и при уплате невозмещаемого сбора в размере **300 долларов США**. Способ оплаты - **банковский перевод** на следующие счета. Тендерная документация будет доступна с 16 октября 2024 года.

«Заказчик»

Реквизиты:

Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;

Адрес: г. Ташкент, 100011, ул. Навои, 4;

л/с: 400110840262777076100054001;

ИНН: 200 935 974;

Наименование казначейского подразделения: Комитет казначейской службы Министерства Экономики и финансов;

Каз.сч: 23402840900100001011,

МФО: 00014,

ИНН: 201 122 919;

Наименование банка: ГУ РКЦ ЦБ РУз г. Ташкент;

SWIFT: CBUZUZ22.

Печатная и электронная копии конкурсных предложений должны быть доставлены по указанному ниже адресу. Печатная копия с не перезаписываемыми компакт-дисками или флэш-памятью конкурсных предложений должна быть доставлена лично или отправлена авиа курьером по указанному ниже адресу не позднее 16:00, 2 декабря 2024 года. Все конкурсные предложения должны быть представлены с обеспечением заявки в размере **1,500,000 долларов США**. Обеспечение конкурсного предложения должно быть действительно в течение двадцати восьми (28) дней после истечения первоначального срока действия конкурсного предложения. Конкурсные предложения, поданные с опозданием, будут отклонены. Конкурсные предложения будут вскрыты и зарегистрированы в присутствии представителей Участника торгов, которые пожелают присутствовать. Заказчик должен направить дополнительное уведомление, подтверждающее дату и место проведения пред тендерного совещания и вскрытия конкурсных предложений (Технические и финансовые предложения).

7. Министерство здравоохранения не несет ответственности за любые расходы или издержки, понесенные Участниками торгов в связи с подготовкой или подачей Конкурсных предложений.

Название ведомства:

Группа реализации проекта (ГРП);

Внимание:

Зоиржон Мингбаев, Умиджон Рахимов;

Адрес:

г. Ташкент, р. Яшнабад, ул. Паркент, 294

Страна:

Республика Узбекистан;

Электронная почта:

zoirjon.mingbaev@gmail.com, urakhimov907@gmail.com



Газета муассиси:  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.

Электрон манзилмиз: www.uzssgz.uz

Бош муҳаррир  
**ИБОДАТ СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash - Zdravooxranenie Uzbekistana" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси,

30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон

кўчаси, 41 уй Тел/факс: (71)233-11-07.

Газета ҳажми  
**2 босма табоқ.**  
Формати А3. Офсет  
усулида чоп этилган.

Адади - 682 дона.  
Буюртма рақами Г-1038.

Босмаҳонага  
топирилиш вақти:  
21-00. 3 4 5 6 7  
Топирилди 23-00.